

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



ШОДИКУЛОВА АЗИЗА ЗИКИРЯЕВНА

**МЕТОНИМИЯНИНГ ГРАММАТИК
КОГЕЗИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ
РОЛИ**

Монография

*СамДТУ Илмий – Кенгаши
томонидан нашрга тавсия
этилган. (2025-йил 28-май, 10-сон
баённома)*

“Фан булоғи”
Самарқанд – 2025

УЎК: 81'373.612.2

КБК: 81.2

Ш 74

А.З.Шодикулова. Метонимиянинг грамматик когезияни шакллантиришдаги роли. Монография – Илмий нашр. Самарқанд; - “Фан булоғи” нашриёти, 2025 йил. 108 бет.

Монографияда метонимик муносабатлар табиатининг лингвокогнитив жиҳатлари билан боғлиқ назарий масалалар очиб берилганлиги, метонимик маънони вужудга келтириш омиллари аниқланганлиги, матн тузилишининг метонимия ҳодисаси нуқтаи назаридан ўрганиш янги йўналиш эканлиги ҳамда дискурс тадқиқида функционал ва когнитив ёндашувлар бири иккинчисини тўлдириши исботланганлиги билан изоҳланади.

Монография тилшунослик, прагмалингвистика, психолингвистика ва нутқшунослик соҳалари ҳамда олий таълимнинг филология йўналишларида таҳсил олаётган талабалар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир

Шахриёр САФАРОВ – филология фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар:

Гулноза Болтокулова – филология фанлари доктори, (PhD), профессор,

Азиза Махмудова – фалсафа фанлари доктори (PhD), доцент.

ISBN 978- 9910-689-44-4

© А.З.Шодикулова.

© “Фан булоғи” нашриёти, 2025 йил.

КИРИШ

Жаҳон тилшунослигида антропоцентризм йўналишининг ривожига тўғрисида бугунги кунда инсоннинг лисоний-тафаккур фаолияти ҳамда оламнинг лисоний манзарасини тасвирлаш имкониятларини аниқлаш бўйича фундаментал тадқиқотларни амалга оширишга эҳтиёж кучайиб бормоқда. Шу аснода, дискурсив фаолиятнинг самарали кечишини таъминловчи ҳодисаларнинг онтологик моҳиятини аниқлаш, уларнинг матн таркибида фаоллашувига асос бўладиган қоида ва тамойиллар кўламини белгилаш тилшуносликда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунё филология фанида метонимия ҳодисасининг кенг кўламда ўрганилиши мазкур ҳодисанинг семантик ва функционал табиатини талаб даражасида очиқ бериш, унинг матн тузилишида бажарадиган вазифаларини аниқлаш имкони беради. Бироқ, метонимик муносабатларнинг когезия боғламларини ҳосил қилиш имкониятлари етарли даражада ўрганилмаган ҳамда улар юзага келишига тўғрисида берувчи омиллар батафсил тавсифланмаган. Шунингдек, метонимик муносабатларнинг дискурсда воқеланиши шартлари илмий жиҳатдан тўлиқ асослаб берилмагани мазкур муаммони мажмуавий равишда, замонавий таҳлил усуллари татбиқида тадқиқ қилишни тақозо этади.

Ижтимоий ҳаётдаги янгиланиш даврини ўтаётган мамлакатимиз илм-фан интеграциясидан четда қололмайди. Дунё тилшунослик фанида пайдо бўлган янги ёндашувларда инсон омилини “тил ва тафаккур”, “тил-инсон-мулоқот” кесимларида кўриб чиқиш ғояси олға сурилаётган бир пайтда ўзбек тилшунослигида ҳам тадқиқотлар кўламини кенгайтириш имкони пайдо бўлади. Зотан, ҳозирги замон шиддати фан соҳаларини мутассил, янгича тафаккур, ғоя ва тамойиллар билан бойитиш заруратини юзага келтиради.

Айниқса, инглиз тилининг халқаро мулоқот воситаси сифатида ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига кириб келаётгани ижтимоий муаммоларни хорижий тиллар контекстида ўрганиш истиқболларини белгилаб берди. Президент томонидан “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни омиллаштириш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги¹ Қарорнинг қабул қилиниши мутахассис олимлар олдида турли тиллар тизимини назарий ва амалий жиҳатдан батафсил ўрганиш вазифасини қўяди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг: I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Метонимия ҳодисаси қадимдан турли тадқиқотлар, дарсликларда эслатиб келинаётгани маълум. Арасту давридан бошлаб метонимия, метафора билан бир қаторда, ўзаро яқин нарса-ҳодисалар бирининг иккинчисига кўчиши билан боғлиқ ҳодиса сифатида қаралиб, унинг лисоний, риторик жиҳатлари ёритиб келинмоқда.²

Қатор тадқиқотлар метонимиянинг ҳосила маъно юзага келиши билан боғлиқ жиҳатлари ўрганилиб, уларнинг фарқли

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида хорижий тиллари ўрганишни омиллаштириш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117 – сон Қарори.

²Dirve R., Porings R. (ed.) *Metaphor and metonymy in Comparison and Contrast*. – Berlin: Mouton de-Gruyter, 2002; Lyons J. *Linguistic Semantics: An Introduction*. – Cambridge: CUP, 1995; Searle J. *Expression and meaning*. – Cambridge: CUP, 1975; Koch P. *Metonymy: Unity in diversity // Journal of Historical Pragmatics*, 2001. Vol. 2.– P. 201-244; Арутюнова Н.Д. *Язык и мир человека*. – М.: Языки славянской культуры, 1998; Якобсон Р. *Работы по поэтике*. – М.: Прогресс, 1987; Степанов Ю.С. *В трехмерном пространстве языка*. – М.: Наука, 1985; Аликулов Т. *Метонимия ва полисемия тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар* –Т.: Фан, 1965; Ўзбек тили лексикологияси. – Т.: Фан, 1981; Сувонова Р. *Ўзбек тилида метонимия*. – Т.: Халқ мероси, 2003.

белгилари қайд этилган.³ Бундан ташқари, анъанавий талқинларга асосланган ҳолда метонимия ҳодисаси лексик сатҳда ўрганилиб, унинг референтли ва референтсиз ифодаланиши, сўз яшаш тизимидаги, грамматик хусусиятларига ҳам эътибор қаратилди.⁴

Сўнгги йиллардаги когнитив тилшуносликнинг ривожини метонимик кўчимнинг концептлар ўртасидаги муносабатлар асосида юзага келишини исботлашга замин яратди. Натижада, метонимиянинг когнитив ва прагматик табиатини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар кўлами кенгайиб бормоқда.⁵

Лекин метонимиянинг матн тузилиши жараёнида бажарадиган вазифалари, унинг матнда мазмуний яхлитликни ҳосил қилувчи когезия боғламларини шакллантиришдаги роли етарли даражада ўрганилмаган. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларига тегишли матнларнинг лексик-грамматик, систем-семантик хусусиятлари таҳлил қилинган бўлса-да, бироқ уларнинг таркибида метонимик муносабатларнинг воқеланиши масаласига унчалик эътибор қаратилмаган. Ушбу ҳолатлар танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини изоҳлайди.

³Арнольд И.В. Лексикология английского языка. Л.: Просвещение, 1990; Фомина М.И. Лексика современного русского языка. – М.: Высшая школа, 1973; Русанівський В.М. Структура лексичної і граматичної семантики. – Київ: Наукова думка, 1988; Никитин М.В. Лексическое значение в слове и словосочетании. – Владимир: Изд-во ВГПИ, 1974; Аликулов Т. Функциядошлик ҳодисасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1965, 6 – сон; Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Т.: Мумтоз сўз, 2010; Kwiatkowska A. Pre – linguistic and non – linguistic metonymy // Perspective in Metonymy. – Frankfurtam Main: PeterLang, 2007. –P. 297-307; Radden G. How metonymy care metaphors? // Metaphorand Metonymy at the Crossroads. –Berlin: Moutonde Gruyter, 2000. –P. 93-108.

⁴Cruse D. Lexical semantics. – Cambridge: CUP, 1986; Bierwiazzonek B. On formal metonymy // Perspectives on Metonymy. – Frankfurt / Main: Petet Lang, 2007. – P. 43-67; Hilpert M. Chained metaphors // Experimental and Empirical methods in Functional Research. – CSL I Publications, 2006. – P. 1-12; Langaker R. Metonymy in Grammar // Journal of Foreign Language, 2004. vol. 4. – P. 2-24; Panther K., Thornburg L. The effect for cause metonymy in English Grammar // Metaphor and Metonymy at the Crossroads. – Berlin: Mouton de Gruyter, 2000. – P. 215-232; Ruiz de Mendoza I., Campo L. Metonymy, Grammar and Communication. – Granada: Editorial Comares, 2002.

⁵Panther K., Thornburg L. Metonymy and Pragmatic Inferencing. – Amsterdam: John Benjamins, 2003; Koch P. Metonymy between pragmatics reference and diachrony // Metaphorik, 2004. Me. 4. – P. 6-54; Barcelona A. The cognitive theory of metonymy // Metaphor and Metonymy at the Crossroads: A. Cognitive perspective. – Berlin: Mouton de Gruyter, 2000. – P. 1-15; Dirven R., Verspoor M. Cognitive Exploration of Language and Linguistics. – Amsterdam: John Benjamins. 2004; Croff W., Cruse A. Cognitive Linguistics. – Cambridge: CUP, 2004; Ashurova D.U., Galiyeva M.R. Cognitive linguistics. – Т.: Vnesh Invest Prom, 2018; Попова З.Д., Стерпин И.А. Когнитивная лингвистика. – М.: Восток- Запад, 2007; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Санзор, 2006; Худойберганаева Д. Ўзбек тилидаги матнларнинг антропоцентрик талқини. Филол.фанлари докт... дисс.автореферати. Т.: 2015.

Тадқиқотнинг мақсади метонимиянинг медиаматнлари таркибида когезия боғламлари шаклланишидаги иштирокини таҳлил қилиш орқали ушбу матнларнинг мазмунан яхлитлигини таъминлашга йўналтирилган вазифаси кўламини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

медиадатлар таркиб топишида метонимиянинг когнитив восита сифатида қандай хусусиятлари ва имкониятлари намоён бўлишини аниқлаш;

метонимик кўчим жараёнида шаклландиган ҳосила бирликларининг когнитив моделларини аниқлаш ва ушбу моделларнинг лисоний воқеланишини таъминловчи воситалар қаторини белгилаш;

“яхлит - қисм” муносабати доирасида ҳосил бўлган метонимик бирликларнинг медиаматнда референтли ва референтсиз фаоллашуви билан боғлиқ жиҳатларини тавсифлаш;

медиадатлар таркибида юзага келадиган метонимик муносабатларни ажратиш ва уларнинг когнитив–дискурсив мақомини белгилаш усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида таркибида турли кўринишдаги метонимлар воқеланган инглиз тилидаги медиаматнлар намуналари танланган.

Тадқиқотнинг предмети метонимларни тавсифлаш ва таснифлашнинг когнитив–дискурсив тамойилларини белгилаш ва уларнинг медиаматнлар тузилишида намоён бўладиган хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Мавзунини ёритишда умумий ва махсус лингвистик таҳлил методлари: тавсифлаш усули, моделлаштириш усули, концептуал ва контекстуал таҳлил ҳамда қиёслаш методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

метонимик кўчимнинг табиатини ёритиш ва унинг кечишини таъминловчи омиллар қаторини белгилаш асосида ушбу ҳодисанинг лисоний фаолият натижасидан кўра, кўпроқ концептуал жараён маҳсули эканлиги исботланган;

метонимик муносабатлар шаклланишининг лисоний-мантикий тамойиллари қиёсланиб, метонимларнинг таснифий кўрсаткичлари белгиланган ҳамда “яхлит-қисм” ва “сабаб-оқибат” моделларига оид бирликларнинг медиаматнларда коммуникатив мақсадни воқелантиришга йўналтирилган вазифалари фарқ қилиши далилланган;

метонимик тузилмалар медиаматнда когезия боғламларини ҳосил қилувчи восита сифатида қаралиб, матн тузилишини таъминловчи ушбу турдаги бирликларнинг метонимик табиати шаклан ўхшашлик ҳамда ягона бир тушунчани ифодалаш билан боғлиқлиги уларнинг умумий концептуал майдон кўламида ўзаро жипслашувига асос яратиши очиб берилган;

“яхлит-қисм” муносабати доирасида ҳосил бўлган метонимларнинг медиаматнда референтли қўлланиши таҳлили жараёнида уларнинг: 1) ўқувчининг диққатини тез ва тежамкор усулда хабарнинг асосий қисмига жалб қилиш; 2) концептуал майдоннинг маълум бир қисмини ажратиб кўрсатиш ёки эътиборсиз қолдириш вазифаларини ўташи аниқланган ҳамда унинг амалга оширилиши матнда тўғридан-тўғри такрорнинг олдини олиш ва мавзунинг давомийлигини таъминлашга шароит яратиши далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

медиаматнларнинг тузилиши, функционал ва когнитив хусусиятларига оид натижалар матн тилшунослиги, дискурсология соҳалари учун муҳим назарий-амалий таҳлил йўналишлари шаклланишига асос бўлиши исботланган;

метонимик кўчимларнинг медиаматнлар тузилишидаги иштирокининг тадқиқи натижасида эришилган хулосалардан матн таҳлилига йўналтирилган машғулотларда фойдаланиш мумкинлиги асосланган;

метоним тузилмаларининг онтологик табиатини ёритиш жараёнида ажратилган таснифий гуруҳларга кирувчи бирликлар метонимларнинг изоҳли ва таржима луғатларини яратишда манба бўлиши мумкинлиги далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ шакллантирилганлиги, қўлланилган тадқиқот усулларининг замонавийлиги, илмий–назарий манбаларнинг ва таҳлил қилинган материал ҳажмининг нуфузлилиги ҳамда хорижий ва республика журналларида мақолалар чоп қилинганлиги, чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти метонимик муносабатлар табиатининг лингвокогнитив жиҳатлари билан боғлиқ назарий масалалар очиб берилганлиги, метонимик маънони вужудга келтириш омиллари аниқланганлиги, матн тузилишининг метонимия ҳодисаси нуқтаи назаридан ўрганиш янги йўналиш эканлиги ҳамда дискурс тадқиқида функционал ва когнитив ёндашувлар бири иккинчисини тўлдириши исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, танланган объектнинг моҳияти ҳақида билдирилган фикр–мулоҳазалар ҳамда эришилган илмий хулосалар миллий тилшунослик фаннинг ҳозирда долзарб муаммоси бўлган семасиология ва матншунослик тадқиқотлари ривожини учун қимматлидир. Ушбу натижалар когнитив тилшунослик,

прагмалингвистика, психоллингвистика ва нутқшунослик соҳалари учун ҳам аҳамиятлидир. Ишнинг таҳлилга тортилган материалларидан олий таълимнинг филология йўналишларида таҳсил олаётган талабалар учун махсус курслар ва семинарлар ўтказишда, шунингдек, дарслик ва бошқа ўқув адабиётларини тузишда фойдаланиш мумкин.

I-БОБ

МАТН ТУЗИЛИШИ ШАКЛЛАНИШИДА МЕТОНИМЛАРНИНГ РОЛИ

1.1 Матнда когезия ҳодисаси воқеланиши

Матн ҳодисаси тадқиқи билан шугулланган тадқиқотчилар ушбу ҳодисани турли нуқтаи назардан таърифлашга ҳаракат қилишган. Машҳур рус услубшуноси И.Р. Гальперин матнни “Тугаллик хусусиятига эга ёзма ҳужжат кўринишида воқеланган ҳамда ушбу ҳужжат турига мос равишда адабий ишлов берилган нутқий фаолият маҳсули бўлган асар” деб ҳисоблайди. Шунингдек, ушбу асар “лексик, граматик, мантиқий, стилистик алоқалар замирида боғланган сарлавҳа ва алоҳида бирликлардан иборат бўлади” (Гальперин 1981:18).

Фикримизча, матнни “адабий жиҳатдан қайта ишланган ёзма асар” сифатида қараш анъанаси ўзини охиригача оқламаган ғоялар қаторига киради ва бунинг сабаби қуйидаги ҳолатлар билан изоҳланади:

1) коммуникатив фаолиятнинг ёзма шакли оғзаки нутқ шаклига нисбатан иккиламчидир ва матннинг ёзма маҳсулот деб қаралиши уни нутқий фаолият қамровидан узоқлаштиради;

2) ушбу талқин халқ оғзаки ижоди маҳсули бўлган эртак, эпос, дoston, мақол, матал кабиларни матн доирасига киритишга ҳалақит беради;

3) матнга “адабий ишлов берилган асар” сифатининг берилиши оқибатида шахсий ва расмий ёзишмалар, ишбилармонлик ҳужжатлари каби нутқий тузилмалар бу категориядан четда қолдирилади.

Демак, нафақат ёзма нутқий фаолият, балки оғзаки мулоқот жараёнида яратиладиган маҳсулотни ҳам матн

мақомида таҳлил қилишни таклиф қилишган тадқиқотчиларнинг ҳақлигига гумон йўқ (Дресслер 1978:114).

Нутқий тузилма матн мақомини олиш учун унинг таркибидаги бирликлар мураккаб тузилишдаги семантик алоқалар занжирини ҳосил қилиши керак бўлади. Мазмуний ҳамда синтактик боғлиқлик матннинг доимий ва мажбурий хислатидир. Матннинг онтологик хусусияти бўлган ташкилий қисмлар боғлиқлигининг тағзаминида воқеликдаги воқеа-ҳодисаларнинг ўзаро муносабати ва уларнинг умумийлик-хусусийлик тамойили асосида ўзаро бирикиб, яхлитликни ҳосил қилиши туради

Боғлиқлик ҳодисасини матннинг грамматик категориялари қаторига киритган В.И. Карабан ушбу ҳодисани гаплар занжирининг муҳим онтологик ва тартиботлаштирувчи хусусияти деб қарайди. Бу хусусият, ўз навбатида, матннинг воқеликка мутаносиб ботиний тузилишга (макроструктурага) эга эканлигига ишора қилади (Карабан 1978:25).

Психоллингвист А.А. Леонтьев, боғлиқликни лингвистик тушунча сифатида талқин қилаётиб, ушбу тушунчанинг қуйидаги белгиларини санаб ўтади:

а) грамматик белгилар: синтактик параллелизм ва синтактик тежамкорлик таъсирида юзага келадиган қисқаришлар;

б) синсемантизм;

в) тема-рема тузилмаларининг жойлашуви;

г) контекстда интонацион вариантларнинг юзага келиши;

д) қисмларнинг семиотик муносабати;

е) гаплар муносабатининг симметрик тус олиши (Леонтьев 1973:42).

Кўринадики, матн тузилиши, унинг қисмлари боғлиқлигини ўрганишга турлича ёндашиш мумкин. Аммо булардан энг асосийлари матн яхлитлиги таъминланишини

грамматик ҳамда мазмун моҳияти нуқтаи назаридан тавсифлашдир. Тилшуносликда бу икки ёндашувни когезия ва когерентлик терминлар воситасида аташ анъанаси мавжуд.

Луғатларда ушбу терминларнинг фарқли тамонлари қайд этилади. Когезия лотин тилидаги *cohaesus* “боғланган” сўздан олинган бўлиб, матн қисмларининг сиртқи тузилишидаги ўзаро боғланишига ишора қилади. Когезренция эса лотин тилидаги *cohaerens* “ўзаро боғлиқда бўлган” сифатдошидан ясалган бўлиб, бир пайтнинг ўзида бир нечта жараёнлар келиши асосида юзага келадиган боғлиқни атайди (Жеребило 2008:152; Crystal 2008:85).

Мазкур терминлар истеъмолга киритилишида Лондон систем-функционал тилшунослик мактабининг вакиллари М. Ҳоллидей ва Р. Ҳасанларнинг хизмати алоҳида. Уларнинг 1976-йилда нашр қилинган “*Cohesion in English*” номли китоби матншуносликда янги давр бошланишига туртки берди. Муаллифлар когезия ҳодисаси кўпроқ мантиқий асосга эга эканлигини таъкидлаётиб, ушбу тушунча матн қисмларининг вазифавий боғланишга эга бўлишидан хабар беришини қайд этадилар. Когезия тушунчаси эса, матннинг грамматик тахлилига таалуқли ва қисмларни ўзаро боғланишини таъминловчи лисоний воситалар мажмуасини тавсифлашга хизмат қилади (қаранг: Crystal 2008: 85). Бироқ бундай тавсиф когезияни аниқлаш учун маъно муносаблари муҳим эмас, деган фикрни туғдирмаслиги керак. Зотан, Ҳоллидей ва Ҳасанларнинг таърифича, когезия “матнда мавжуд бўлган ва унга матнлик мақомини берадиган маъноларнинг муносабатини ифодалайди ҳамда “когезия дискурсдаги бирон бир унсурни тавсифлаш шу матндаги бошқа бир унсур билан боғлиқлигини кўрсатади” (Halliday, Hasan 1976:4).

Равшанки, матндаги иккита элемент бир-бири билан боғланганида ўзига хос “когезия боғлами” (*Cohesive tie*) ҳосил бўлади ва бу боғлам матннинг яхлитлигига таъсир курсатади.

Лексик ва грамматик элементларнинг боғлам шаклини олиши учун улар матндаги бошқа бирликлар билан алоқага киришуви зарур. Бу турдаги боғламлар доирасида юзага келадиган когезия муносабатлари икки асосий турга ажралади: лексик когезия ва грамматик когезия (Op.cit., p 31-33).


Лексик когезия маъно ва тушунча ўртасидаги алоқадорликка таянадиган боғлиқлик бўлиб, матнда иштирок этаётган луғавий бирликлар ўртасида юзага келади. Ушбу категорияга кирувчи когезия реитерация ёки “қайта такрорлаш” (reiteration) ва “ассоциатив тузиш” (collocation) турларига эга.

“Қайта такрорлаш” усулидаги когезия юзага келишида матннинг маълум қисмидаги луғавий бирлик бошқа қисмда такрорланади ёки олдинги бирликка ишора қилувчи умумий сўз пайдо бўлади. Такрорнинг ўрнини, шунингдек, синоним ёки унинг муқобили эгаллаши мумкин (Op.cit., p 278).

“Ассоциатив тузиш” туридаги когезия эса луғавий бирликларнинг ассоциатив яқинлигига асосланади.

Грамматик когезия матндаги бирликларнинг ўзаро грамматик тобеланишига асосланади ва унинг тўртта тури фарқланади: референтлик, субституция (ўрин алмашиш), эллипсис ва боғловчи. Булардан энг кўп учрайдигани референтлик бўлиб, ушбу ҳолатда “сўзловчига матннинг олдинги қисмидан бирор нарса такрорланаётганига ёки унинг ҳали матнда пайдо бўлмаганига ишора қилиш имконини беради” (Thompson 2008 :180). Аслида Ҳоллидей ва Ҳасан қўллашган референтлик (reference) термини ўрнига бошқа тадқиқотчилар “корреферентлик” (coreference) атамасидан фойдаланишни маъқул кўришларини эслатиб ўтмоқчимиз (Brown, Yule 1983).

М. Ҳоллидей ва Р. Ҳасан референтликнинг воқеланишини акс этирувчи муносабатларни қуйидаги чизмада тасвирлаган эди :



1.1- расм. Матнда референтликни акс эттирувчи муносабатлар

Экзофорик референтлик матнда олдиндан мавжуд бўлган ёки кейин пайдо бўладиган маънога эмас, балки воқеликдаги муносабатларга ишора қилади. Шу боис, экзофора матннинг тузилишига таъсир кўрсатмайди ва иккита бирликни ўзаро боғлаш учун хизмат кўрсатмайди.

Матн референтлиги эса анафора ва катафора кўринишларига эга бўлиб, матн ички ва ташқи тузилишини ташкиллаштиришда муҳим ролни ўтайди. Демак, анафора бирининг тавсифи иккинчиси билан боғлиқ ҳолда кечадиган иккита лисоний бирлик ўртасидаги алоқани акс эттиради (Huang 1994:1). Бошқача айтганда, анафора тушунчаси бирон бир сўз ёки иборанинг матндаги бошқа сўз ёки ибора ўрнида қўлланишини билдиради (Киселев Д. 2019).

Грамматик когезиянинг иккинчи тури субституция (жой алмаштириш) бўлиб, баъзан у луғавий когезия гуруҳига қарам деб ҳам ҳисобланади. Чунки бирликларнинг алмаштирилиши луғавий такрорга жуда ўхшайди. М. Ҳоллидей субституцияни сўзлар грамматик муносабатларига асосланади деб ҳисоблайди. Ҳарҳолда, когезия ҳодисасининг турлари ўзаро кесишиб турганлиги сабабли кўпинча уларни фарқлаш қийин кечишини унутмаслик керак.

Эллипсиснинг когезияни шакиллантирувчи усул сифатида қаралиши гап ёки унинг элементи матн таркибида тўлиқ такрорланмаслиги билан боғлиқ. Ушбу ходиса грамматик когезия юзага келишини таъминлайди. Баъзан эллипсисни субституциядан фарқлаш қийин кечади, чунки эллипсис аслида бирор бир матн элементининг ноль белгисига алмаштирилиши, яъни тушуриб қолдирилишидан иборатдир (Halliday 1994).

Ниҳоят, грамматик когезиянинг навбатдаги тури «қўшилиш ёки боғланиш» (conjunction) деб аталади. Когезиянинг ушбу тури фаоллашувида, эслатилган бошқа турлардан фарқли равишда, лексик элементлар ҳам ўз улушини қўшади. Боғловчи элементлар лисоний бирликларнинг бир-бири билан алоқага киришувида восита ролини ўтайди. Бундай боғланиш элементлар «изчиллиги, кетма-кетлигини таъминлаб, бошқа структур воситаларга қараб бўлмайди» (Halliday 1994:227). Боғловчи воситалар, одатда, дискурсга тизимлик уриниш беради ва унинг таркибидаги бирликларни мантиқан тўғри тартиботга келтиради.

Хуллас, матн мундарижаси, структур тузилишининг таҳлили унинг таркибидаги гаплар ва бошқа лисоний бирликларнинг мантиқий, мазмуний ҳамда структур муносабатларини аниқлашга имкон беради. Ушбу муносабатлар матн структур тузилишини шакиллантирувчи муҳим омиллардандир. Матн аниқ йуналиш бўйлаб ("чапдан унга") ривож топадиган тузилмадир ва унда ҳар бир гапнинг ўрни аниқ ва бу ўриннинг алмаштирилиши эса матн мазмуний тузулишига таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Шунинг учун ҳам, матннинг боғлиқлиги, Т.П. Трегубович қайд этганидек, айнан шу элементлар кетма-кетлигига таянади (Трегубович 1978:8).

Тадқиқотчилар матн қисмлари, таркибий бўлаклари боғлиқлигининг асосий воситалари сифатида боғловчилар

туркумига кирувчи бирликларни қайд этишга одатланишган. Боғловчилар ўз навбатида, қисмлар ўртасидаги мантиқий грамматик муносабатлар ифодаланишидаги фарқларга нисбатан турли гуруҳларга тақсимланадилар. Масалан, инглиз тилидаги “and, nor, neither” боғловчилари бириктириш муносабатини ифодаласа, or ажратиш маъносига эга. Худди шунингдек, “but, not, that” қарама-қаршилик муносабатини шакиллантирса, “for, because сабаб, so, so that” кабилар оқибат муносабатларини ҳосил қилади. Бу каби вазифани боғловчилардан ташқари, маълум турдаги равишлар ҳам бажаришга қодир: besides, again, likewise, further, next, however, yet, still, though, neverthelless, notwithstanding, furthermore, otherwise, else, therefore, etc.

Кўрсатилган вазифада ёрдамчи сўзлар туркумига ўтишга яқин турган баъзи сўз бирикмалари ва модал бирликлар ҳам қўлланилиши муаллифлар томонидан қайд этиб келинмоқда (Юсупов 2011:208; Quirk, Greenbaum 1998:302): for all that, at the same time, on the contrary, on one side, on the other hand, in other worlds, in a word, above all, in short, indeed, rather, true, etc.

Аммо матн ташкилий қисмлари ўртасидаги алоқа фақат юқорида санаб ўтилган махсус воситалар қўлланишида шаклланиб қолмасдан, балки лисоний бирликлар ёрдамида ҳам воқеланади. Бундан концептуал-семантик кўчим замирида ҳосил бўладиган метафорик ва метонимик бирликлар ҳам истисно эмас. Тадқиқотимизнинг мазкур бобида айнан метонимиянинг матн когезияси шаклланишида бажарадиган вазифасини ўрганишни режалаштирганмиз. Нидерландиялик тилшунос Ван Дейк когезия ҳудудий (local) ва глобал кўринишларда юзага келишини таъкидлайди (van Dijk 1980). Биринчисида матнда ёнма-ён турган гаплар ўртасидаги боғланиш назарда тутилади, яъни ушбу гаплар ўртасидаги алоқа семантик ва грамматик ҳудудий характери эга. Когезиянинг глобал хусусиятли бўлиши бутун матн кўламида

юзага келадиган боғланишларга асосланади. Биз, олимнинг тавсифига таянган ҳолда, метонимиянинг медиаматнлар тузилишида бажарадиган вазифасини икки сатҳда, яъни ҳудудий ва глобал кесимларда таҳлил этишга ҳаракат киламиз. Бунда асосий эътибор қисмлар ўртасидаги муносабатларга қаратилиши билан биргаликда, матннинг яхлитлиги ҳам назардан четда қолмайди.

1.2.Метонимиянинг грамматик когезияни шакллантиришдаги роли

Матндаги грамматик боғланишлар асосан рефент алоқаси, алмаштириш, эллипсис кўринишларга эга бўлади.

Референция ҳодисаси тилшунослик ва психологияда турли нуқтаи назардан ўрганиб келинмоқда. Функционализм тарафдорлари ушбу ҳодисани “аллақачон семиотик кўриниш олган нарса–воқеаларга ишора қилиш ҳаракати”, деб ҳисоблайдилар (Halliday, Matthiessen 1999: 530). Семиотик воқеланиш матнда мавжуд бўлганида “матн референцияси”, у матнда эслатилмасдан, балки воқеланиш имконияти мавжудлигида эса “вазиятли ва контекст референцияси” фарқланади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам хабарнинг вазиятга мос келиши вазифаси бажарилади. Лекин “вазиятли референция” тил тизимини воқелик билан боғлайди ва матн тузилишида қарийб иштирок этмайди. Матн референцияси, аксинча, “узатилаётган хабарнинг матн тузилишида акс топишини таъминлайди” (Thompson 1999: 63).

Метонимия ҳодисасининг табиати ҳақидаги фикрлар турли–туман бўлишига қарамасдан, тадқиқотчилар унинг асосий вазифаси референция, яъни бирор нарса–ҳодисага ишора қилиш, уни эслатиш эканлигини таъкидлашда яқдилдирлар (Lakoff 1987; Gibbs 1994; Nunberg 1995; Worren 2002). Дарҳақиқат, инсонлар, нарсалар, воқеа–ҳодисаларга

ишора қилиш матннинг, шу жумладан, медиаматнлар мазмуний таркиб топишининг муҳим омилидир.

Матнда референция ҳодисасини юзага келтирувчи усуллардан бири анафора эканлиги ҳам маълум. Анафора ва катафора услубларига оид тадқиқотларда кўпинча ушбу услублар воқеланишида матндаги бирликлар, жумладан, артикль ва кўрсатиш олмошларининг ўрни ўрганилган (Reinhart 1983; Clark 1977; Киселев 2019). Метонимия лисоний ифода воситалари ва воқеликдаги нарса-ҳодисалар ўртасидаги боғлиқни акс эттирувчи референция усули сифатида қаралади. Қуйидаги саҳифаларда метонимлар ва анафора ўртасидаги муносабатлар изоҳига тўхталмоқчимиз.

Ҳаммага таниш инглиз тили грамматикасига оид қўлланмаларда анафоранинг бевосита ва билвосита турлари ажратилади (Huddleston 1995: 274-284). Бевосита анафора анафорик бирлик ва унинг антицеденти ўртасидаги боғланиш тўғридан-тўғри бўлганида юзага келади. Бунда референция бирликлари сифатида кўпинча шахс, кўрсатиш ва қиёслаш олмошлари иштирок этади. Масалан, инглиз тилидаги he, she, him, they каби олмошлар ҳамда this, that, these, those каби демонстративлар ва the аниқ артикли худди шу вазифани бажаради. Ўхшашликка ишора қилувчи Same, other, more бирликлари эса билвосита референцияни ҳосил қилади.


Масалан:

Tullman died last Sunday after a random attack at a house party. Investigators say he was stomped, kicked and punched to death (WP, November 13, 2018).

Ушбу гапда Tullman ва he бирликлари ўртасидаги боғлиқлик бевосита референция намунасидир. Инглиз тили ёзма нутқ нормасига кўра шахс номлари ва бошқа турдаги отлар матннинг бош қисмида турса, олмошлар эса кейинги қисмлардан ўрин олади. Келтирилган мисолда “Tullman” ва “he” элементларининг референти битта, яъни Tullman исмли

шахс. Ушбу кореферентлик ҳодисаси когезия боғлами шаклланишига туртки бермоқда.

Бу турдаги метонимик муносабатлар юзага келишида (Al-Sharafi 2004) шахс олмоши бўлган “he” элементининг тавсифи унинг антецеденти “Tullman” билан боғланади. Демак, “he ” шакли контекстда “Tullman” шакли ва шу исмли шахс билан муносабатга киришади. Бу муносабат шакллари ёки тушунчалари бўлишидан қатъий назар, ҳар иккаласида ҳам метонимик хусусиятга эгадир. Мазкур кўринишдаги метонимик муносабатни қуйидагича тасвирлаймиз:



1.2.-расм. Келтирилган мисолдаги метонимик когезия

Чизмадаги бир томонга йўналтирилган стрелка ШАКЛ в элементининг антецедентга боғлиқ ҳолда англашинилишидан дарак беради. Чунки, “he” шакли Tullman шакли ўрнида қўлланмоқда ва иккала шакл ҳам тил тизими бирлигидир (Al-Sharafi 2004). Референция мақомини олган “he” бирлигининг матн тузилишидаги вазифаси унинг ўз антецеденти билан ягона бир концептуал майдонга кириши билан боғлиқ. Бошқача айтганда, “he” ифодалаётган учинчи шахс birlik тушунчаси “Tullman” концептуал майдоннинг бир бўлагини ташкил қилмоқда.

Хабар мазмунидаги матнларда биринчи ва учинчи шахс кишилиқ олмошлари кўпинча кўчирма нутқда учрайди. Улар, шунингдек, грамматик когезия шаклланишига иштирок этади,

зеро ўқувчилар сўзловчи (нутқ муаллифи) кам эканлигини билишга интиладилар. Қиёсланг:

But Representative Mike Goffman, Republican of Colorado, who is one of the Armed Service Committee, said: “I don’t have any fascination with looking at gunshot wounds to face” (NYT, May 12, 2017).

Кўринадики, биринчи шахс кишилик олмоши “I” ва “Mike Goffman” атоқли оти ягона референтга эга.

Кўрсаткич олмошларининг маъноси табиатан маълум контекстдаги бирор бир нарсага ишора қилишга хосланган. Р. Хиддлстоннинг қайдича, this ва that демонстративлари асосан воқеа-ҳодиса, вазият, ҳаракат кабиларга ишора қилади ҳамда анафорик ёки дейктик вазифаларни бажаради (Huddleston 1995: 296). Қуйидаги парчани таҳлил қилиб кўрамиз:

The objective of the meeting was to try and convince us not to participate in the demonstrations, and when we did, our punishment was the order to close our offices, “Mr. Helfi said. That doesn’t reflect Maliki’s speech about the right of the Iraqis to protest” (NYM, March 8, 2016).


Мазкур парчада that олмоши анафорик вазифани бажараётиб, олдин гапда баён қилинган воқеликка ишора қилмоқда. Кўрсатиш олмошига манба бўлаётган тушунчани антецедент ифодалаётган тушунчага асосланган ҳолда тиклаш мумкин. Яна бир мисолни қиёслаймиз:

The Central Intelligence agency is allowing members of the House and Senate Intelligence and Armed Services Committees to see photographs of Osama bin Laden’s corpse, a C.L.A. spokesman said Wednesday. Lawmakers will view the photos in a source room at the agency’s headquarters in Langley, Va., and cannot take copies of the photos with them (NYT, May 12, 2016).

Бу ерда икки марта қўлланаётган the photos элементи “photographs of Osama bin Laden’s corpse” тузилмаси билан референт боғлиқликка эга ва шунга биноан бир хил

тушунчани воқелантирмоқда. Шунингдек, the photos тўлиқ шаклнинг ўрнини босиш қобилиятига эга. Ушбу хилдаги бевосита анафора воситасида юзага келадиган метономик когезиянинг пойдеворида ифодаланаётган тушунча умумийлиги туради.

Мазкур ҳолатни қуйидагича тасвирлаш лозим:



1.3-расм. Бевосита анафоранинг метофорик воқеланиши

Илмий адабиётларда билвосита анафора ҳодисаси турли терминлар воситасида аталади: bridging (Clark 1977; Mastui 2000), associated anaphora (Hawkins 1978), inferables (Prince 1981), inferred entity (Ariel 1990), cross-reference (Huang 1999). Р. Квирк ва унинг ҳаммуалифлари яратишган A University Grammar of English дарслигида қайд этилишича, билвосита анафора юзага келишида анафорик элемент ва унинг антецеденти ўртасидаги алоқа имплицит ёки тагмаъноли кўринишга эга бўлади (Quirk, Greenbaum 1989: 157).

Қиёсланг:

Other Midwest states are engaged in similar battles and have set aside neighborliness for easy growth as they search for answers to rising unemployment in their still – struggling economies.

Though they may say other development efforts are designed to help them compete with the two coasts for companies, they often end up fighting over companies already in the region (NYT, April 8, 2017).

Tracey Guest, a spokesman for Simon and Schuster, said there was no announced first printing yet, but they “expect the first printing and initial e-book sales to be completely commensurate with the worldwide attention and interest that Schwarzenegger commands” (NYT, September 22, 2017).

Келтирилган матн парчаларининг биринчисида икки марта қўлланаётган they элементи “other Midwest states” бирикмаси билан референт алоқасига киришмоқда. Лекин антецедент жонсиз ҳодисани атайди ва “жавобни излаш” (search for answers) ёки “бирор нарса дейиш” (may say) имкониятига эга эмас. Шу сабабли, антецедент бўлаги метонимик кўчим натижаси сифатида қаралиши ва “states” бирлигини “мазкур штатларда яшовчи кишилар” рамзида англаш лозим бўлади.

Кейинги парчада қўлланилган they олмошининг бевосита антецеденти йўқ. Ушбу гапда “company” элементи шу компаниянинг аъзолари ўрнини олмоқда. Бундай метонимик кўчим жараёнида Simon and Schuster бирикмаси “Simon and Schuster компаниясининг иштирокчилари, ишчилари” мазмунига эга бўлиб келмоқда. Оқибатда, they олмошининг анафорик манбаси “ишчилар” (operators) тушунчасидир.

Шунга ўхшаш яна иккита ҳолатни таҳлил қилиб кўрамиз:


“The United States military has zero tolerance policy for sexual assault, and we will hold the perpetrators appropriately accountable”, he said (CNN, January 19, 2019);

The crime reports say that one reason for the Yard’s failure is that, when the Yard tried to stop corruption, serving officers tipped them off so they could evade detection (The Guardian, June 8, 2017).

Биринчи ҳолатда “the perpetrators” бирлиги “the perpetrators of sexual assault in the U.S. military” тузилмасига ишора қилмоқда, чунки жинсий зўровонлик билан боғлиқ жиноят олдин эслатилган эди. Бизнинг олам ҳақидаги

билимимиз жинойт қонунни бузувчилар томонидан содир қилиниши ҳақида маълумот беради. Худди шу аснода, кейинги парчадаги “them” ва “they” бирликларининг антецеденти тагмаъноли ифодаланган: “(people involved) in corruption”.

Анафоранинг билвосита метономик ифодаланиши моделини қуйидагича тасаввур қилиш тавсия қилинади:



1.4-расм. Билвосита анафоранинг метонимик воқеланиши

Чизмадан кўринадики, анафора ишора қилинаётган тушунча антецендент кирадиган концептуал майдоннинг алоҳида бўлагини ташкил қилади. Анафора ва унинг антеденти ягона бир тушунчани ифодалайди. Шунинг билан биргаликда, анафорик олмош метономия манбаси билан род ва сон кўрсаткичларида мослашади.

Хуллас, “шакл шакл ўрнида” ва “тушуна тушуна ўрнида” моделлари кўламида ҳосил бўладиган метономия боғламлари матн когезиясини шакллантирувчи воситалардандир. Формал жиҳатдан қараганда, анафора ва унинг антеденти, олмош ёки от ёрдамида ифодаланишидан қаътий назар, лисоний шакллар қаторига киради. Концептуал жиҳатдан, эса, ушбу, шакллар ягона бир тушунчани воқелантиради.

1.3. Субституция метонимик когезияни шакллантирувчи восита сифатида

Тил соҳиблари одатда олдин кўлланган тўлиқ таркибли тузилма ўрнига бошқа кўринишдаги вариантни маъқул кўрадилар. Бир элемент ўрнига бошқасининг кўлланиши

оддий такрорнинг олдини олиш билан бир қаторда, матн қисмлари ўртасидаги шаклий боғлиқликни таъминлайди. Метонимия табиатан ўрин алмаштириш ҳодисаси эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, субституция усулининг когезия воситаси сифатида метономик муносабатни ҳосил қилиши равшан.

Инглиз тилида субституциянинг “one”, “ones”, “the some” унсурлари воситасида бажариладиган отли ҳамда “do” элементи иштирокидаги феълли турлари фарқланади. Бундан ташқари, “so” олмоши ва “not” равиши ҳам субституция воситаси бўла олади (Reinhart 1983: 97). Тадқиқотимизнинг ушбу қисмида “one / ones” элементлари воситасида юзага келадиган субституция ҳолатларини кўриб чиқамиз. Қиёсланг:

They way avert a future debit crisis, but, but won't solve this one (NYT, October 2, 2018);

“I think this is part of a longer-term trend”, said Peter Lang, a political scientist at Chicago University. “Over the last five or six years, this administration has become much more sensitive about social stability than the previous one. Some measures might be temporary, but most of them will be long term” (WSJ, April 11, 2017).

Келтирилган матн парчаларида “one” бирлиги “debt crisis” ва “administration” элементлари ўрнида қўлланмоқда. Формал жиҳатдан қараганда бир шакл иккинчисининг ўрнини алмаштирса-да, лекин субститутнинг референти аттецедентникини тўлиғича такрорлаши шарт эмас. Бошқача айтганда, “one” антецедентнинг грамматик ва семантик муқобили бўлиши референтлар турли бўлишига халақит бермайди (Quirk, et al. 1985: 803). Жумладан, мисолларнинг биринчисида “one” “debt crisis” элементи ўрнида қўлланмоқда, бироқ “a future debt crisis” тузилмаси ҳар қандай қарздорлик ҳолатини англатади, мазкур контекстда эса “one” бирлигининг қўлланишида “маълум бир қарздорлик” назарга тутилмоқда.

Кейинги мисолда “administration” ўрнини олаётган “one” элементининг референти бир хил эмас. Аниқроқ айтганда, “administration” бирлигининг референти ҳозирги АҚШ ҳукумати, “one” бирлиги эса эски ҳукуматни англатмоқда. Демак, субституция усули қўлланишида метономик муносабат асосан “шакл шакл ўрнида” қолипида кечади. Субститут ва антецедентнинг бир хил концептуал асосга эга бўлиши ҳолати фақат айрим контекстлардагина кузатилади.

Айтилганидек, “do” бирлиги воситасида бажариладиган субституцияга мисол келтирамиз:

Greek public debt continues to mount, and so does the pressure on the government to find more revenue and make more cuts (NYT, October 2, 2018);

French Foreign Minister told high – level representatives here that Maj. Gen. ManafTlas, a longtime member of Assad’s inner circle, had fled Damascus. In a news conference later Friday, Trump seized the moment to encourage others close to Assad to do the same (WP, July 6, 2017).

Биринчи гапда фаоллашган “so + do + subject” конструкциясини унинг антецеденти билан боғлиқ ҳолда англаш мумкин. Бу ерда “so does the pressure on the government” тузилмаси “ҳукуматга ўтказилаётган босим ўсиб бормоқда” мазмунини беради, “so does” шакли “continues to mount” шакли билан боғланиб, улар умумий бир тушунчани ифодалайди. Шунингдек, кейинги мисолда “to do the same” ибораси “to flee Damascus” иборасининг ўрнини босади ва бунда субститут ва антецедентлар турли шаклларга эга бўлсалар-да, лекин ягона тушунчага ишора қилади.

Инглиз тилида “so” ва “not” элементлари ҳолат, ишонч ва эмоционал ҳолатларни ифодаловчи гаплар ўрнида қўлланиши мумкин. Қиёсланг:


“It was an individual act, which could have various reasons or motives, but it does not mean at all that the security situation is bad

in the province, said the governor of Faryab Province, Abdul Haq Shafaq. He said the American trainers had good relations with the border police battalion". It's early to say if the shooting had links with the Holy Koran burning or not (NYT, April 4, 2017).

Like Mr. Comey, Mr. Fitzgerald now has the public identity of a Republican political appointee. Moreover, his demonstrated willingness to challenge the white House could give it's current occupants pause, though they would say in public (NYT, May 1, 2017).

Мисолларнинг дастлабкисида "not"элементи "the shooting did not have links with the Holy Koran burning" гапининг ўрнида келаётган бўлса, кейингисида "so" бирлигининг вазифаси тўлиқ нутқий тузилма бўлган "his demonstrated willingness to challenge the white House could give it's current occupants pause" гапининг такрорига йўл қўймаслик ва унинг ўрнини эгаллашдан иборатдир. Бу тусдаги ўрин алмашинув амаллари матнининг мазмунини сақлаб қолиш билан биргаликда, хабар баёнининг қисқа бўлишини таъминлашдан иборат.

Субституциянинг вазифаси анафораникига ўхшаш, зотан уларнинг ҳар иккаласи ҳам матнда аввал эслатилган референтга ишора қилади. Ўрин алмаштириш асосида юзага келадиган метонимик муносабатларнинг учта турини чизмаларда қуйидагича тасвирлаш мумкин.



1.5-расм. Субституция турлари метонимик муносабатлари

Мазкур чизмаларнинг учаласида ҳам ШАКЛ а антецендент ШАКЛ в

ўрнини олмоқда, аммо биринчи чизмада антецендент ва субститут бир хил тушунчани ифода қилса, иккинчи ва учинчисида ушбу бирликлар ўртасидаги муносабат фақат уларнинг умумий концептуал майдонга қарамлилигида намоён бўлади.

Демак, ўрин алмаштириш усули фаоллигида ҳосил бўладиган грамматик когезия асосида метономик муносабат туради. Бунда субституция ва антецендентнинг матн когезиясидаги иштироки улар ифодалаётган тушунчаларнинг муқобиллашувини тақозо этади.

1.4. Эллипсис воситасида шаклланадиган метонимик когезия

Метонимик когезиянинг яна бир грамматик воситаларидан бўлган эллипсис ҳодисаси нутқий тузилмани тўлиқ такрорлашдан сақланиш ҳаракати намунасидаир. Эллипсис “айтилмасдан қолган фикр” бўлиб, бироқ ушбу фикр

тагмаънода имплицит тарзда англашинилади (Halliday, Hasan 1976: 142). Худди субституцияда бўлганидек, эллипсис ҳам уч турга бўлинади: от эллипсиси, феъл эллипсиси ва гап эллипсиси.

Қуйидаги мисолларни таҳлил қилиб кўрамиз.

Japan's Meltdown and the Global Economy's (NYT, March 18, 2018).

To test the relationship of laughter of this sort to pain resistance, he did a series of six experiments. In five, participants watched excerpts of comedy videos, neutral videos or videos meant to promote good feeling, but not laughter (NYT, September 13, 2018).

"We left school with a mountain of debt", said he. "Michelle, I know had at least \$ 60.000, I had at least \$ 60.000. So, when we got together, we had a lot of loans no pay" (NYT, April 11, 2018).

Келтирилган мисоллардан биринчиси эълон қилинган мақоланинг сарлавҳаси бўлиб, у иккита отли бирикмадан иборат. Ушбу бирикмалардан иккинчиси "global economy's meltdown" иборасининг эллипсис шаклидир. Иборанинг қисқаришига "Meltdown" бирлигининг олдин эслатилгани туртки бермоқда. Уларнинг ифода планида номувофиқлик мавжудлиги аниқ кўриниб турибди: "meltdown" Япония ядровий тизимидаги ҳолатга ишора қилса, унинг тушириб қолдирилган варианты эса ядро реакторида юзага келадиган эриш вазиятидек кескин ҳолатни ифодалайди.

Кейинги мисолдаги "five" ва "experiment number five" (бешинчи тажриба) маъносини тагмаъноли ифодамоқда. Маълумки, эллиптик шаклларнинг маъносини англаш учун ўқувчи матндаги тўлиқ шаклни топиши лозим. А. Барселонанинг фикрича сонлар иштирокидаги бирикмаларда сон миқдордан кўра кўпроқ нарса-ҳодисалар тартибига ишора қилади (Barcelona 2005). Шунга биноан, таҳлил қилинаётган гапдаги "five" аслида "the fifth experiment" кўринишини олиши

керек. Бу йўсинда ҳосил бўладиган метонимияни А.Барселонага эргашган ҳолда “тартиб сон ўрнига саноқ сони” моделидаги метонимлар қаторига киритамиз. Бундай метонимик тузилмаларда саноқ сони бутун бир тузилма ўрнини олиш хусусиятига эгадир.

Учинчи мисолда \$ 60.000 элементи \$ 60.000 of debt ибораси ўрнида қўлланмоқда. Отли бирикманинг от қисми тушириб қолдирилганида тўлиқ бирикма ўрнига унинг алоҳида бир қисми қўлланади ва “қисм яхлит ўрнида” моделидаги метонимия воқеланади.

Феъл эллипсиси юзага келганида ҳам бирикманинг бир қисми тушириб қолдирилади:

A Palestinian attacker wounded seven Israel, one critically, near a Tel Aviv night club early Monday, hitting a police checkpoint with a stolen taxi and then stabbing others, police said (NYT, August 29, 2017).

Бу ҳолатда “one” бирлиги “one Israel” бирикмасининг қисқарган шаклидир. Бундай қўлланиш асосида “қисм яхлит ўрнида” метонимик кўчими турибди. Бундан ташқари, “one” ва “critically” узвлари ўртасида ҳам эллипсис муносабати мавжудлиги кузатилади ва бу “бўшлиқ”ни олдинги “a Palestinian attacker wounded seven Israels” тузилмасига таянган ҳолда тўлдириш талаб қилинади. Натижада, “one critically” шакли “one Israeli was wounded critically кўринишидаги предикатив тузилмага айланади.

Тўлиқ шакл ўрнига унинг бир қисмининг фаоллашуви, одатда, ўқувчининг диққатини янги ахборотга жалб қилиш хизматини ўтайди.

Биз таҳлил қилган материалда гап эллипсиси намуналари жуда кам учради. Бундай ҳолат субституция ва эллипсис асосида юзага келадиган матн когезиясининг расмий мулоқот вазиятида кам қўлланишидан дарак беради. Афтидан, ушбу

турдаги когезия воситалари оғзаки нутқ ёки норасмий мулоқот муҳотида кўпроқ фаол бўлса керак.

Ҳарҳолда, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган хабарларнинг сарлавҳалари кўпинча эллипсис шаклида бўлишини унутмаслик лозим. Бироқ ҳар қандай эллиптик шакл ҳам матн когезияси вазифасини бажаравермайди. Бундай вазифа бажарилишининг иккита шарти мавжуд, яъни эллипсис матнда фаоллашаётган муносабатлар билан алоқадор бўлиши ва когезияга мойиллик кўрсатиши талаб қилинади. Р. Квирк ва унинг ҳаммуаллифларнинг тушунтиришича, эллипсиснинг тўлиқ шаклини матндан келиб чиқиб тиклаш имконияти мавжуд бўлсагина у когезия воситаси ролини бажаришга қодир (Qurk, et al. 1985).

Биринчи боб бўйича хулосалар

1. Метонимиянинг биз кўриб чиққан “шакл–тушунча” муносабати фаоллашадиган модели учта онтологик воқеликдан иккитасини ўзида акс эттиради: булар шакл ва тушунчалар воқелиги бўлиб, реал ҳодисалар бироз бўлса–да четда қолади. Чунки сўз, гап ва ҳатто матнлар воқелик билан тўғридан–тўғри боғланмасдан, балки бизнинг ушбу воқелик ҳақидаги тасаввуримизни намоён қилади. Шу сабаб, тил борасида мулоҳаза юритилганида шакл ва тушунча муносабати олдинги ўринга чиқади. Олиб борилган таҳлилдан равшанлашадиги, иккита лисоний бирликнинг бирикиши қуйидаги шартлардан бири бажарилишини талаб қилади:

- 1) уларнинг шакли бир хил бўлиши керак;
- 2) улар ягона бир тушунчага ишора қилади;
- 3) улар ягона бир концептуал майдонда турган тушунчаларга ишора қилиши лозим.

2. Такрор лексик когезиянинг алоҳида тури бўлиб, унда мавжуд “шакл– тушунча” муносабати ёки шакл ажралган ҳолда такрорланиши мумкин. Буларнинг ҳар иккаласида ҳам матн

когезияси шаклланади. Такрорланаётган лисоний шакллар антецедент ифодалаган тушунчани воқеалантирса, ушбу жуфтлик воситасида юзага келадиган когезия тугуни мустаҳкамланади. Аммо такрорланаётган бирликларнинг референти мос келмаганида ҳам когезия боғлами ҳосил бўлиши ҳолатлари кузатилади.

3. Синоним бирликлар ягона бир тушунчага ишора қилишади. Шунинг учун ҳатто семантик яқдилликка эга бўлмаган синонимлар ҳам когезия боғламини ҳосил қилиши кутилади. Антонимик бирликлар бир-бирига қарама-қарши тушунчаларни ифодалашига қарамасдан, ягона концептуал майдондан жой олади. Бири иккинчисига қарама-қарши қўйилаётган тушунчалар концептуал умумийликка эга эканлиги боис, улардан бири референция ўрнида туради ва бошқасига фикран ишора қилади.

4. Гипоним ва унинг манбаси “қисм – яхлит” муносабатини намоён қилади ва бунда гипоним ишора қилаётган тушунча манба ифодалаётган тушунчанинг алоҳида қисмига айланади. Гипоним воситасида шакллантирилаётган когезия икки кўринишда воқеланади. Биринчисида гипоним ва унинг манбасининг когезия боғламини ҳосил қилиши улар ифодаланаётган тушунчаларнинг бири иккинчисини қамраб олиши билан боғлиқ. Иккинчисида, гипоним ва унинг манбаси ишора қилаётган тушунча “яхлит-қисм” муносабатида туриши уларнинг бирига иккинчисининг ўрнини олиш имконини беради. Бу тарздаги муносабатда ягона бир тушунча фаоллашиб, матн когезиясига ҳисса қўшади.

5. Метоним воситасида ҳосил бўлган когезия гипоним қўлланишидаги когезияга жуда яқин туради. Мероним ва унинг жуфти ишора қиладиган тушунча ҳам “қисм-яхлит” муносабатини акс эттиради. Мероним иштирокидаги когезия икки турга эга: мероним ва унинг манбаси ишора қилаётган

тушунчалар ўзаро муносиблашади ёки улар ягона бир тушунчани ифодалайдилар.

6. Ягона бир концептуал майдон бирликлари матнда турли усулларда ўзаро мослашув ва когезия тугунларини ҳосил қилиш имкониятига эга. Бундай муносабатлар лисоний ва концептуал қатламларда бир хилда юзага келади.

7. Олмошлар, субституциялар ва ҳатто тузилмаларнинг матндаги антецедентлари билан муносабати метонимик хусусиятга эга. Ушбу семантик жиҳатдан тўйинмаган шакллар матннинг олдинги қисмида эслатилган яхлит шакл ўрнида қўлланилади. “Шакл ўрнига шакл” ва “тушунча ўрнига тушунча” моделида ҳосил бўладиган метонимик кўчимлар когезиянинг грамматик турини воқелантиришда иштирок этади.

II-БОБ

“ЯХЛИТ-ҚИСМ” ВА “САБАБ- ОҚИБАТ” МУНОСАБАТИДАГИ МЕТОНИМЛАРНИНГ МАТНДА ВОҚЕЛАНИШИ

2.1. Медиаматнда “яхлит-қисм” муносабатдаги метонимларнинг фаоллашуви

Маълумки, метонимик кўчим асосида қиёсланаётган объектлар ўртасида ассоциатив боғлиқлик туради. Ассоциатив боғлиқлик эса, сарҳаддошлик, қўшничилик муносабатларига асосланади (Лутфуллаева 2017: 31; Караулов 2006; Искандарова, Ҳошимова 2010). Шу сабабли, contiguity “сарҳаддошлик, қўшничилик” тушунчаси когнитив тилшунослик вакиллари томонидан метонимик кўчимни тавсифлашда кенг қўламда қўлланиб келинмоқда (Panther and Thornburg 1998; Feyarts 200; Dirven 2002). П. Кохнинг таърифича, “қўшничилик яхлитнинг унсурлари ўртасидаги ёки яхлитнинг унсурга бўлган муносабатидир” (Koch 1999: 146). Масалан: The ham sandwich is waiting for his check гапида иккита объект, яъни буюрилган нарса (бутерброд) ва буюртма берган шахс (мижоз) ўзаро ассоциатив муносабат доирасида қаралмоқда.

К. Сето келтирган таърифда ҳам метонимик кўчимнинг маълум макон-замондаги сарҳаддошлик эканлиги таъкидланади: “Метонимия – сўзловчи томонидан воқеликда мавжуд деб қаралаётган объектларнинг макон-замондаги қўшничилигига асосланган референт-кўчими ходисасидир” (Seto 1999: 91). Дарҳақиқат, когнитив ёндашувда воқеликнинг инсон идрокида айри ҳолда мавжуд бўлмаслиги алоҳида таъкидланади. Шу боис, ягона концептуал майдондан жой оладиган тушунчалар метонимик кўчимларни шакллантириши мумкин.

“Яхлит-қисм” муносабати доирасида ҳосил бўладиган метонимлар асосан икки кўринишга эга а) қисмларнинг яхлит

билан боғлиқлиги негизда юзага келадиганлар; б) ягона яхлитнинг алоҳида қисмлари ўртасидаги муносабатига асосланганлар.

Қуйида ушбу турдаги метонимларнинг матн тузилишида бажарадиган вазифасига тўхталамиз.

Анъанавий тилшуносликда метонимиянинг асосий вазифаси референция эканлиги таъкидланади. Одамлар, нарса ва ҳодисаларга референтли ишора қилиш нутқий мулоқотнинг ажралмас қисмидир, зеро бусиз сўзловчи ва тингловчи сўз кетаётган объектни маконлаштиришга қийналади. Сўзловчи шахс референтга ишора иборасини қўллаётиб, объект ҳақидаги тасаввурни уйғотади (Kronrod and Engel 2001). Метонимиянинг референт вазифаси объектлар ўртасидаги ассоциациялар билан боғлиқ, чунки ушбу объектлар ўртасидаги муносабат маъно кўчимларини англашга имкон беради.

Метонимик кўчим учун манба хизматини ўтаётган объект яхлитнинг қисми бўлганида мўлжалдаги объект яхлитнинг ўзи ёки унинг бошқа бир қисми бўлиши мумкин. Яхлит, шунингдек, манба хизматини ҳам ўташи эҳтимолдан йироқ эмас. Шу аснода, “яхлит - қисм” шаклдаги метонимия уч кўринишга эгадир: “қисм яхлит ўрнида”, “яхлит қисм ўрнида” ва “қисм қисм ўрнида”.

Биринчи, яъни “қисм яхлит ўрнида” қолипдаги метонимларни услубшунослар кўпинча “синекдоха” деб атайдилар. Роман Якобсон ҳар қандай образ, сурат, расм, филм, телекўрсатувнинг шаклий тузилиши синекдоха кўринишига эга деб ҳисоблайди. Чунки бу тасвирларда воқеликнинг фақат алоҳида бир қисмигина акс топади (Jakobson 2003). Қуйидаги мисолларни қиёслаймиз:

A look the past few summers reveals how tough the economic (and political) sledding has been for Trump (WP, July 6, 2019);

Young people and families with children are increasingly facing homelessness, according to a study, which says rising numbers of people: are finding themselves without a roof over their head (The Guardian, December 5, 2019);

Former Governor and Democratic National Committee Chairman Tun Kainwell hire a well-known face in Virginia politics to oversee his US Senate campaign next year (WP, July 7, 2017).

Ёз йил фасллардан биридир (яъни йилнинг бир қисми). Юқоридаги мисоллардан бирида ишлатилган the past few summers иборасининг референти the past few years эканлиги кўриниб турибди. Мақола ёз пайтида ёзилганлиги учун муаллифнинг наздида summer “ёз” year “йил”га нисбатан вазиятга мосдир.

Кейинги гапда house атамаси ўрнига уйнинг ажралмас бўлаги бўлган roof “том” маъқул топилишига бироз олдинроқ эслатилган homeless тушунчаси туртки бермоқда. Охирги мисолда ишлатилган face бирлиги “a well known face in Virginia politics” иборасининг ўрнини эгаллаган. Чунки биз бирон бир кишини танишмоқчи бўлаётганимизда унинг юзи (face) инсон танасининг муҳим бўлаги сифатида кўзга ташланади.

Концептуаллашув шароитида маълум бир элемент яхлит билан ёнма-ён туради. Шу боис биз бирор бир қисмни атаётиб, яхлитни назарда тутамиз, жумладан, фасл бутун бир йилнинг ўрнини олади, том эса бинонинг, юз шахснинг ўрнини босади ва ҳоказо. Яна бир карра эслатиш жоизки, бундай ҳолатларда қисм ва яхлит ўртасидаги муносабат кўчма маънода англашинилади. Биз қисмни эслатаётиб, объектни яхлит ҳолда тасаввур қиламиз. Бинобарин, инглиз тилида “аниқ артикль + сифат” бирикмаси ушбу сифат ифодаланаётган хусусиятга эга бўлган инсонлар гуруҳини аташи мумкин. Қиёсланг:

This week, we hosted a renowned expert in HIV/AIDS care currently practicing at a hospital known for serving the poor and vulnerable in New York (CNN, December 2, 2017);

For four years, The Virginia General Assembly has scrimped, scrounged and borrowed to pay for schools, police and public programs that care for the mentally ill, the disabled and poor (WP, March 13, 2017).

Келтирилган мисоллардаги “the poor and vulnerable the mental ill, the disabled and poor” бирикмалари камбағал ва ҳимояга муҳтож, ақлан заиф, ногирон ва муҳтож инсонлар гуруҳларини аташ учун қўлланмоқда. Ушбу жараёнда шахс отлари сифатлар билан ҳамроҳликда жисмоний ва ижтимоий ҳолатларни тасвирлайди (Biewiaczonek 2007). Жумладан, the blind, the deaf, the rich, the poor, the needy, the jobless кабилар кўрмайдиган, эшитмайдиган, бой, камбағал, ночор одамларни атовчи метонимлардир. Бошқача айтганда, объектнинг маълум бир хусусиятини билдирувчи кўрсаткич яхлит объектни аташга хизмат қилади.

Умуман, инглиз тили учун сифатларнинг от ўрнида ишлатилиши одатий ҳолдир:

Military spouses and adult dependents will be able to file confidential sex assault reports and get victim support services, he said (GNN, January 19, 2019).

But publishing detailed descriptions of how to synthesize a pathogen with the capability of triggering a pandemic is worse (NYT, March 13, 2020).

A small plane headed from New Jersey to suburban Atlanta crashed into an interstate shortly after take off Tuesday, killing five people, authorities said (CNN, December 22, 2019).

Келтирилган мисолларнинг биринчисида dependents бирлиги молиявий ёрдам кутаётган одамларнинг бошқаларга ишонишидан дарак берса, иккинчисида отлашган сифат a pandemic атогенез оқибатида пайдо бўладиган касалликка ишора қилмоқда. Учинчи мисолдаги an interstate элементи Америка Қўшма Штатларида иккита штатни боғловчи йўлни атамоқда.

Руиз де Мендоза бу турдаги метонимларнинг грамматик хусусиятларини тадқиқ қилган ва black people, noble people, classic works каби бирикмалар ўрнида қўлланиладиган blacks, nobles, classics каби метонимик кўчимларни “a defining property – for – an entity” деб номлаган (Ruiz de Mendoza 2001). Бошқа бир тадқиқотчи эса, сифат лексемаларининг отлашуви эллипсиснинг оқибати деб ҳисоблайди (сўз бирикмасининг етакчи унсури тушуриб қолдирилади). Эллипсисга учраган от матндан келиб чиқиб тикланиши осон (Barcelona 2005: 323).

Инглиз тили грамматикасига оид адабиётларда отнинг аниқловчи вазифасида келиши доимо эслатилиб турилади (the bus station – the large station) аммо от сифат туркумидаги сўзларга хос вазифаларни тўлиқ бажара олмайди. Масалан, биз the station seems large предикатив бирикмасини ҳосил қила олишимиз мумкин бўлган бир пайтда, the station sees bus қабилидаги тузилма ножўя эшитилади (Quirk et al. 1985). Қуйида отларнинг аниқловчи вазифасини бажаришини намоён қилувчи айрим мисолларни келтирамиз:

She concurred with the Mazda decision Wednesday but wrote separately to “emphasize the court’s rejection of an over reading of Geier that has developed since that opinion was issued” (WP, February 24, 2018);

Since the March 11 disaster, which has caused energy shortages in Japan and will necessitate billions of dollars worth of government spending on reconstruction, the you had hovered until this week in the low sos against the dollar (WP, July 29, 2017).

The Cairo agreement comes there and a half months after a broader reconciliation pact was signed by the leaders of the two factions in Doha, Qatar, and a year after they first reached a unity accord (NYT, May 21, 2017).

Юқоридаги парчаларда the Mazda decision иборасининг референти “Мазда компаниясига қарши суднинг қарори” тушунчаси бўлса, Geier эса“ суднинг Гиер компаниясига қарши

қарори” ўрнида келмоқда. Бу ерда кечган ҳодиса қатнашчиси яхлит ҳодиса ўрнида эслатилмоқда. Кейинги ҳолатларда March 11 disaster бирикмасининг референти ўн биринчи мартда содир бўлган фалокат (the disaster happened on March 11) бўлса, the Cairo agreement бирикмаси, ўз навбатида, “Қоҳирада имзоланган шартнома”ни англатмоқда. Кўринадикки, ушбу ҳолатларда кечган ҳодисанинг бирон бир қисми (санаси, иштирокчиси, макони) метономик кўчим жараёнининг етакчиси ролини бажармоқда. Метонимларнинг бу тарзда шаклланиши кўчимлар учун прототип қолипига айланади.

Оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган хабарларда репортерлар ҳодиса қатнашчилари номини эслатишни истамаганларида (ёки бунга ижозат бўлмаганида) кўпинча уларни бошқача йўллар билан атайдилар.

Қиёсланг:

“We’re not there yet, we don’t have the votes yet. But today is the day” Boehner had told members at a morning meeting, according to a GOP source who was not authorized to publicly discuss the private conversation (NYT, July 28, 2018);

The crime reporters say that one reason for the “Yard’s failure is that, when the Yard tried to stop the corruption, serving officers tipped them of so they could evade detection” (The Guardian, June 8, 2017).

Биринчи мисолдаги а GOP source ахборот бераётган шахсни аташ учун ишлатилган. Маълумки, матбуотда криминал ҳақида хабар берувчи мухбирлар алоҳида касб эгаси ҳисобланадилар, шунга биноан, кейинги мисолдаги crime reporters бирикмаси метонимик референтга эга.

Тадқиқотчилар инглиз тилида - ег кўшимчаси ёрдамида ҳосил қилинган отларнинг метономик кўчимлардаги иштирокини ўрганаётиб, улар воситасида ҳаракат ёки ҳодисаларнинг тўлиқ сценарийси ёритилишини қайд этадилар:

The Chinese film industry and Hollywood are squaring up to each other, Ellen E. Jones reported last week, with China seeking a chunk of Hollywood business, and Hollywood seeking to part Chinese cinema – goers from their cash (The Guardian, June 16, 2017);

Royals' watchers crowd Carpentaria polo club (NYT, July 9, 2018).

Бу ерда от ясовчи асос сифатида иштирок этаётган watch ва go феъллари сув полоси мусобақасини томошо қилиш ва фильм кўриш учун кинотеатрга қатнаш ҳаракатларини тўлиқ тасвирлашга имкон берган.

Миллатни характерловчи сифатлар ҳам сўз бирикмасида аниқловчи ўринни эгаллаб, маъно кўчимга учраши мумкин:

Electronic cigarette incites bomb scare on British highways (WP, July 6, 2019);

Syrian unrest raises fears about chemical arsenal (NYT, August 29, 2018).

“Қисм яхлит ўрнида” моделидаги метонимларнинг хусусиятларидан яна бири концептуал майдон аъзоларидан бири бутун бир майдонни ифодалаши мумкинлигида намоён бўлади: Қиёсланг:

“I’m not going to drop the F-bomb like Melissa did”, the British actor said in his thank – you. “I have done that plenty” (WP, February 28, 2019);

But any “no” from any regulator—for being a pound overweight, or having a bumper an inch too short, or failing to have adequate airbags, or a thousand other issues—means at best delays and at worst a failed project (WP, March 12, 2019).

Одатда ташаккурни билдирувчи “thank you” ибораси келтирилган медиа контекстда мусобақа ғолибининг мукофот олганидан сўнгги нутқини ифодаламоқда. Худди шунингдек, “no” юкламаси ҳам номинатив бирлик вазифасини бажармоқда.

Юқорида эслатилган ҳолатларнинг барчасида метонимик кўчим “яхлит ўрнида қисм” моделига эга. Энди яхлитнинг қисм ўрнида қўлланиши асосида юзага келадиган метонимларнинг медиаматнда фаоллашуви масаласига тўхталмоқчимиз.

Ушбу қолипдаги метонимик кўчим ОАВ матнларида кўп миқдорда фаоллашиб туради:

The final in the race the rooker driver Vitaly Petrov, in a Renault passed Schumacher before on the final lap Felipe Massa, Schumacher's former teammate at Ferrare, passed him and pushed him into 10 th position, where he finished the race (NYT, April 18, 2017);

The most active stock in the sector was Exxon Mobil, which up more than 1 percent during the day (NYT, November 9, 2017).

Юқоридаги мисоллардан бирида “Renault” сўзи автомобил ишлаб чиқарувчи компанияга таалуқли бўлмасдан, балки шу русумдаги автомобиллардан бирини билдирмоқда, иккинчисида эса, “Exxon Mobil” шу номдаги компаниянинг акциясини англатмоқда.

“Яхлит ва қисм” муносабатидаги метонимик кўчим жараёнида умумий категория у ёки бу суб категория ўрнини олиши мумкинлиги кузатилади. Матнда умумий хусусиятга эга ибораларнинг бирон бир махсус ҳодисани ифодалаш учун қўлланишига қуйидагилар мисол бўла олади:

Depending on age, erectile function, the extent of cancer and the type of treatment a man's chances of returning to a somewhat normal sex life can range from less than ten percent or more (NYT, September 24, 20189);

While not naming Mr. Romney, the line was clearly a reference to him changing his position on abortion rights. Mr. Romney was pro – choice before becoming the governor of Massachusetts but later changed his position to pro – life (NYT, October 7, 2019);

Brief descriptions of the incidents include “inappropriate level of support given to students”, and “there teachers in three classrooms provided aid to students” (WP, May 18, 2018).

Мазкур парчаларда erectile function sexual impotence ўрнида, pro-choice pro-life pro-abortion anti-abortion inappropriate level of support given to students there teachers in three classrooms provided aid to students иборалари “ўқитувчилар ёрдамида алдаш” ҳаракатини тасвирлаш мақсадида ишлатилмоқда. Ушбу ҳолатда умумий категориянинг алоҳида категорияни аташ учун фаоллашадиган “яхлит қисм ўрнида” қолипда ҳосил бўлган метономик кўсимлар кузатилади.

Эслатилаётган объектга билвосита ишора қилиши ҳаракати баъзан эвфемизмларни юзага келтиради. Прагматик мақсадга эришишнинг ушбу усулининг самараси иккита қиёсланаётган тушунчанинг киши онгида жойлашуви билан боғлиқ. Тушунчалар ўзаро яқин муносабатда бўлган тақдирда ўқувчининг матн мазмунини идрок этиши анча осон кечади. Тушунчалар ўртасидаги муносабат узук-юлуқ бўлганида эса бу фаолият мураккаблашади.

ОАВ мақолаларининг мавзуси аборт, солиқ, уруш ва бошқа ҳиссиётли ҳодисалар билан боғлиқ бўлганида эвфемизм ибораларига кенг миқёсда мурожаат қилинади. Ушбу турдаги мақолаларнинг қоғоз ва электрон вариантлари янги эвфемизмлар манбасидир. Эвфемизмлар пайдо бўлишининг сабаблари турлича (Таджибаева 2006). Улар кўпинча тингловчи ҳиссиётини маромида сақлаш учун хизмат қилади. Масалан, матбуот тилида poor students ибораси ўрнига underachiever, old people ўрнига seniors, sex ўрнига gender кабиларни ишлатиш, wife-beating, handicapped, corpse тушунчаларини domestic violent, physically challenged, remains кабилар билан алмаштириш одат тусига кирган. Бундан ташқари, референтни ифодаловчи воситаларни танлаш

ижтимоий муҳит билан ҳам боғлиқ. Бинобарин, исёнчилар ўзларини озодлик курашчилари деб ҳисобласалар-да, бошқалар учун террорчи бўлиб қолаверади.

Яхлит ва қисм муносабати доирасида ҳосил бўладиган метонимларнинг учинчи тури “қисм бошқа қисм ўрнида” моделига эга. Масалан, Fukushima changed everything тузилмасида Fukushima номли минтақада юз берган атом станциясидаги фалокат назарга тутилмоқда. Бу ерда воқеа макони шу жойда содир бўлган фалокатни ифодалаш учун қўлланилмоқда. Воқеа унинг макони ўртасидаги муносабатга асосланган метонимик кўчимдан фойдаланиш тез-тез учрайдиган ҳолатдир. Баъзи тилшунослар бундай кўчимни LOCATION – for–Event қолипи билан белгилайдилар (Radden. Kovescses 1999). Дарҳақиқат, метаномик кўчим юзага келиши инсонлар тажрибасига асосланади ва воқеа макон ўртасидаги алоқа осон идрок этилади.

Маълум контекстларда жой номлари бир неча кўринишдаги метонимик кўчимлар ҳосил бўлишига асос яратади. Қиёсланг:

Trump told the conference that Russia and china, who declined invitations to attend, “are holding up progress – blockading it – [and] that is no longer tolerable”. The chief US diplomat said Moscow and Beijing were not “paying any price at all – nothing at all – for standing up on behalf of the Assad regime” (WP, July 6, 2018);

Rogge warned however that London faces a tough task to match Beijing which has had spectacular ceremonies, more than a million volunteers, and unprecedented control over areas such as transport, labor, resources and security (The Guardian, August, 2017).

Москва ва Пекин шаҳарлари номларининг матнда пайдо бўлиши пойтахтнинг мамлакатни ифодаланиши билан боғлиқ метонимиянинг ёрқин мисолидир. Иккинчи матндаги Beijing (Пекин)нинг ишлатирилиш эса ушбу шаҳарда бўлиб ўтган

олимпиада ўйинларининг эслатиш мақсадини кўзлайди ва бу маконнинг содир бўлган воқеани номлаш учун мурожаат қилинадиган метонимия туридир.

Одатда, контекст метонимик кўчим манбасини аниқлашга имкон беради. Бундай имконият йўқлигида эса, муштарийлар олам ҳақидаги билим захирасини фаоллаштиришга мажбурдирлар.

“Қисм ўрнига қисм” моделида ҳосил бўладиган метонимларнинг яна бир хусусияти қисмлар ўртасидаги муносабат билвосита кўринишга эга бўлишида кўринади. Бунда концептуал кўчим бир неча босқичда кечади. Масалан:

“The ballot boxes will decide who will win at the end of the day”, Mr. Zomor said during the interview in his large family compound in this hamlet on Cairo’s western edge (NYT, April 2, 2017).

Ушбу гапдаги “the ballot boxes” бирикмаси “кутилардаги овоз берилган бюллетенлар” тушунчасини англатмоқда ва ушбу тушунча, ўз навбатида, “овоз бериш жараёнида бюллетенларни қутига ташлаган одамлар” концептуал мазмунига эга. Бу турдаги “занжирли метонимлар” бирдан ортиқ концептуал кўчим жараёни кечишини тақозо этади (Hilpert 2006). “The ballot boxes” бирикмасида маъно кўчими ушбу бирикма ва voters (сайловчилар) ўртасида кечади. Аммо бунда ballot, boxes тушунчалари ўртасидаги ассоциатив боғлиқлик тўғридан тўғри бўлса, voters тушунчаси билан боғланиш билвосита бўлиб, оралиқ босқичларига эга. Зотан, кутилар ва бюллетенлар ҳеч нарсани бевосита ҳал қилолмайди, бу ҳуқуқ фақат овоз берувчи одамларга тегишлидир.

Инсонларга хос хусусиятларнинг жонсиз объектларга кўчирилиши барча тиллар учун одатий ҳодиса бўлиб, у стилистикада персонификация деб аталади. ОАВ матнларидан намуналар келтирамиз:

And a local television station reported that the town of Marysville was leveled and multiple fatalities were expected (NYT, March 2, 2019);

Military report find Pakistani government not involved in killing US officer (CNN, October 31, 2018).

“We firmly believe federal bureaucrats should not be unilaterally setting national climate change policy”, the statement said (WP, February 3, 2019).

Маълумки “маҳаллий телевидение” (local television station) ўз-ўзидан ҳеч қандай ҳабарни бера олмаганидек, “ҳарбий ҳабар” (military report) ҳам ҳеч нарсани топа олмайди. Бу ишларни инсонлар бажаради: телевиденияда ишлайдиган журналистлар янгиликни ҳабар қилишади; ҳарбий мутахассислар аниқланган ҳодисалар ҳақида ҳабар берадилар. Шунингдек конгрессмен мурожаат қилади, чунки мурожат гапириш имконига эга эмас.

К. Пантернинг тавсифича, метонимия маънони такомиллаштириш жараёнидир, зеро бу ерда эришилган маъно манба маъносининг мукамаллашуви жараёнида юзага келади (Panther 2005).

Масалан, “the statement said” иборасининг тагмаъноси “a congressman said in the statement”дан иборат. Метонимия нутқий актнинг тежамли воқелантиришдан ташқари, феъл предикатининг жонсиз субъект билан бирикишига ҳам имкон беради. Масалан, юқорида келтирилган мисолларда find report, say феъллари субъектлари “жонлантирилган”. Натижада, жонсиз объектлар шахслар ўрнини эгаллаган.

Шундай қилиб, “яхлит-қисм” муносабатидаги метонимларнинг матндаги асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: а) улар муштарийларга мўлжалдаги мазмунни етказишнинг самарали ҳамда тежамкор усулини тақдим этади ҳамда референтни тасаввур қилишга имкон яратади; б) муқобил воситанинг тенгланиши матн

муаллифининг мақсадини амал оширишга туртки берувчи концептуал ҳаракатларни ойдинлаштиради. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, когнитивистларнинг метономия алоҳида ибораларга хос бўлмасдан, балки умумий тамойилларни акс эттириши ҳақидаги фикрини тасдиқлайди. Ниҳоят, метономик воситалардан фойдаланиш матн тузилишда кераксиз такрордан қочиш ҳамда концептуал яхлитлик, қисмлар ўртасидаги боғлиқликни таъминлайди.

Бундан ташқари, метонимиянинг матн таркибида намоён бўладиган предикативликни ифодалаш ва иллокутив мақсадни воқелантириш вазифалари ҳам эътиборга лойиқдир. Предикатив метонимларда ҳаракат, жараён, ҳолат кабилар тавсифланса, иллокутив метонимлар мулоқот жараёнида намоён бўлишади. Предикатив метонимлар уч турдаги қолипда шаклланади: “ҳаракат ўрнида агенс,” “ҳаракат ўрнида усул” ва “мавҳум ҳаракат ўрнида аниқ ҳаракат”.

Тадқиқотчилар ҳаракат концептуал майдони турли қисмлардан иборатлигини аниқлаётиб, ушбу қисмларнинг ҳар бири метономик кўчим пайтида яхлит ҳаракатнинг ўрнини босиши мумкинлигини қайд этади (Kovecses, Radden 1998).

Масалан, Shampoo one's hair метонимик ибораси негизда “ҳаракат ўрнида манба (инструмент)” модели туради. Қуйидаги мисолларни қиёслаймиз:

Signals apparently also malfunctioned, causing another train to rear-end the stationary train (NYT, July 23, 2019);

Ironically, he was taken to Tihar Jail, which houses a former government minister and other senior officials and businessmen accused in recent corruption scandals (WP, August 16, 2019).

Биринчи гапдаги rear-end бирлиги тўлиқ ҳаракатни англатувчи “one train runs into another from behind” мазмунига эга бўлмоқда. Иккинчи гапдаги houses бирлиги эса to provide living facilities for мазмунидаги ҳаракатни ифодаламоқда. Кўринадики, ҳаракатнинг энг кўзга ташланадиган ёки муҳим

элементи яхлит ҳаракат ўрнини олмоқда ва бу “қисм яхлит ўрнида” моделида ҳосил бўладиган метонимик кўчим намунасидир.

Ҳаракат концепутал майдонида воқеалар содир бўлганида ушбу ҳаракатнинг сабаби, бажариш воситаси, усули ва ҳатто йўналиши ҳам метономик кучимга туртки бериши мумкин. Метономик кўчим моделларини тавсифлаган К. Сатонинг кузатишича, содир бўлаётган воқеаларга ҳамроҳлик қиладиган товуш, ҳаракат усуллари, имо–ишора қабила маълум турдаги метонимларни шаклантиради (Seto 1999:107).

Қиёсланг;

Within hours after the military call for the protests to disband, thousands of supporters were bused into the square in what appeared to be an orchestrated campaign (WP, February 2, 2018);

The ordinary Syrians have braved ballets and tanks to the streets for 18 consecutive weeks seeking the ouster of President Bashar al-Assad is an indicator of their movement’s resilience (WP, July 29, 2019).

Mr. Lin hurried down a ramp, past trash bags and through a door into the basement (NYT, Mach 2, 2019).

Биринчи мисолда bus (автобус) сўзи автобусга ўтириш маъносини олиб, феълга айланмоқда. Ушбу метономик кўчимда транспортдан фойдаланиш усули (воситаси) ҳаракатнинг ўрнини олмоқда. Кейинги гапда brave сифати метоним вазифасида қўлланиб, бирор бир хавфни жасорат ила қарши олиш ҳаракатини ифодаламоқда. Учинчи гапда эса hurried элементи тез суръатда бажарилган ҳаракатга ишора қилмоқда. Уччала ҳолатда ҳам ҳаракат усули ёки воситаси метономик кўчимга асос бўлиб, ҳаракатнинг ўзини англатмоқда.

Инглиз тили сўз яшаш тизимида конверсия усули кенг тарқалган бўлиб, унинг воситасида от, сифат, равиш, туркумидаги birlikларнинг феълга айланиши одатий ҳолдир.

Бир луғавий туркумдаги сўзларнинг бошқа туркумга ўтиши кўпинча сабаб ёки ассоциатив боғлиқлик тамойилларга асосланган метонимлар гуруҳини ҳосил қилади (Dirven 1999).

Конверсияни изоҳловчи юқорида келтирилган мисоллар “яхлит ва қисм” муносабатидаги метонимларнинг прототип моделига қарамдир. Р. Лангекер бундай кўчимлар кечишини “тушунчанинг фаол қисми эслатилиши адресат онгида яхлит ҳаракат воқеланишига олиб келиши” билан боғлайди (Langacker 1993). Жумладан, ҳаракат воситаси ёки усули тушунчанинг фаол ҳудудини шакллантирса, яхлит ҳаракат эса кейинги ҳудудда жойлашади.

3. Ковеч метонимик муносабатлар воқеланадиган концептуал майдонларни фарқлаётиб, улардан бири мураккаб воқеалар майдони эканлигини эслатиб ўтади (Kovecses 2002). Бундай майдонда бошланғич, марказий давомли, якуний воқеаларнинг ҳар бир яхлит воқеа ўрнини эгаллаши мумкин. Бу тарздаги метономик кўчимларда яхлит ўрнида қисмни танлашнинг асосий тамойилидан бири конкретнинг мавҳумдан устунлигидир, чунки мураккаб воқеалар концептуал тузилишида конкрет ҳаракат одатда мавҳум ҳаракатни ифодалаш воситасига айланади. Қиёсланг:

Republican and Democratic leaders returned to the bargaining table and struck a deal on a \$ 1 trillion spending bill to keep the government operating after Friday (WSJ, December 16, 2018);

Approximately 100 men stood in front of the city's largest hotel shouting slogans against the US and the anti - Islamic video (WSJ, September, 15, 2018);

He lives the high life in Monaco and London, rubbing shoulders with celebrity friends such as Jean - Claude Van Damne and Fifty Cent (BBC, October 5, 2019).

Биринчи мисолдаги returnet to the bargaining table ибораси савдо шартномасини имзолаш маросимида бажариладиган ҳаракатнинг бир қисми. Шунингдек, shouting slogans

норозилик ҳаракатининг бир қисми бўлса, охириги мисолдаги *rubbing shoulders with celebrity friends* тузилмаси машҳур кишилар билан яқин муносабатда бўлиш мазмунига эга. Буларнинг барчасида аниқ ҳаракат мавҳумнинг ўрнини олмоқда.

Когнитив тилшунослар қайд этганидек, одамлар “осон идрок этиладиган ва осон тушунадиган нарсадан яхлит ҳодисани ифодалашда ёки бошқа бирон бир муҳим қисмни ифодалашда фойдаланишни ёқтирадилар” (Lakoff 1987: 77). Аниқ ҳодисалар мавҳумларга нисбатан инсон онгининг яқин ҳудудидан жой олиши когнитив қонуниятдир. Масалан, студентлар битирув ишини ўқиб чиқиш ва баҳолаш амалиёти инглиз тилининг Британия вариантыда “*marking a paper*” ибораси билан аталса, АҚШ вариантыда “*grading a paper*” деб номланади. Бунда яхлит ҳаракатнинг алоҳида бир қисми воситасида номланишини кузатамиз.

2.2. Медиаматн тузилишида “яхлит–қисм” муносабатидаги метонимлар иштироки

Тадқиқотимизнинг олдинги бандида келтирилган метонимик иборалар инглиз тили соҳиблари учун асосан таниш бўлган бирликлардир. Одамлар бу тарздаги метонимларни кундалик нутқларида қўллашга одатланиб қолишган. Бу эса уларнинг ҳар доим ҳам стилистик троплар қаторидан ўрин олавермаслигидан дарак беради.

Узатилаётган хабарлар субъектларини, улар шахслар, мамлакатлар ёки муассасалар бўлишидан қаътий назар, эслатиш матн тузилишининг асосий шартларидандир. Масалан, инглиз мулоқот маданиятида инсонларнинг исми–шарифини тўлиқ айтиш қабул қилинган: *George W. Bush*. Сўз таниқли шахс ҳақида кетаётганида эса, фақат фамилияни эслатиш ўқувчи учун етарли бўлади. Жумладан, *Obama* калимаси АҚШнинг собиқ президенти *Barack Obama* ни дарҳол

ёдга келтиради. Аммо тўлиқ исму-шариф ўрнига фамилия қўлланиши асосида ҳосил бўладиган метонимни ҳамма вақт бир хилда англаш қийинчилик туғдиради. Масалан, матнда Clinton фамилиясини учратганимизда унинг собиқ президент Билл Клинтон ёки унинг рафиқаси Ҳиллари Клинтонга тегишли эканлигини аниқлаш учун контекстга мурожаат қилишга мажбурмиз.

Айни пайтда, нотаниш шахсларнинг фамилиялари матнда учраса ким ҳақида бораётганини тасаввур қилиш мушкуллашади. Қуйидаги матн парчаларини ўқиб кўрамиз:

State Senator Jamie Eldridge, a Democrat whose district includes Devens, said he was initially excited for Evergreen to come to his district but even before the announced loss of 800 jobs, he had come to oppose such large corporate assistance (NYT, January 14, 2017).

Robert R. Provine, a neuroscientist at the University of Maryland, Baltimore County, and the author of “Laughter: A Scientific Investigation”, said he thought the study was “a significant contribution” too a field of study that dates back 2000 years or so (NYT, September 13, 2019).

Zyad Elaiwy, 32, a lawyer who is one of the online organizers and member of the umbrella opposition group founded by Mohamed El Baradei, the Nobel laureate, acknowledged a generational divide in the movement (NYT, February 7, 2019).

Келтирилган парчалардан бирида Jamie Eldridge номининг эслатилиши уни танийдиган учун тушунарли бўлиш мумкин, бироқ хабарни ўқиётган оммага ушбу шахснинг кимлигини маълум қилиш учун унинг ҳақида батафсил маълумот бериш талаб қилинади. Шу боис, мухбир субъектнинг ижтимоий мақомини (state senator) ва қайси сиёсий партия вакили эканлигини (Democrat) ҳамда унга қарашли ҳудуд (whose district includes Devens) маълум қилмоқда. Натижада, ҳатто Jamie Elbridge номи кимга тегишли

эканлиги ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга бўлмаган ўқувчи мақоланинг асосий мундарижаси ва субъект ўртасидаги боғлиқликни фаҳмлаш имконига эга бўлади.

Худди шунингдек, кейинги парчани ўқиётган шахс neuroscientist at the University of Maryland ҳамда author of “Laughter: A Scientific Investigations” изоҳлари билан танишганидан сўнг, Robert R. Province исми – шарифли инсон ким эканлиги ҳақидаги тасаввурга эга бўлади.

Ниҳоят, энги сўнги матнда Zyad Elaiwy a lawyer who is one of the online organizers and a member of the umbrella opposition group сифатида тасвирланган бўлса, Mohamed ElBaradei эса the Noble laureate изоҳини олган. Лавозим ва субъект иштирокидаги асосий воқеанинг эслатилиши ўқувчига эслатилган шахсларнинг кимлиги ҳақида маълумотга эришишга кўмак бермоқда.

Равшанки, бирон бир шахснинг лавозими, ижтимоий мақоми, унинг иштирокида содир бўлаётган воқеа, бажарилаётган ҳаракат кабилар одатда концептуал майдон қамровини белгилашнинг лисоний воситасига айланади. Баъзан бу вазифани инсоннинг ёши ҳам бажариши мумкин, чунки шахснинг ёшига қараб ўқувчилар унинг ижтимоий мавқеси, ҳаётий тажрибаси, соғломлиги ҳақида хулосалар чиқаради. Санаб ўтилган кўрсаткичлардан қайси бирининг танланиши мухбирнинг ахборотнинг қайси жиҳатини таъкидлашни режалаштириши билан боғлиқ. Мисол учун BBC орқали маълум қилинган хабар матнининг тузилишини таҳлил қилиб кўрайлик (BBC, October, 2018).

1.1-жадвал

Хабар матнининг тузилиши

Сарлавҳа	<u>Sarah Palin</u> says she will not run for president
Кириш	Former Alaska Governor Sarah Palin has declared she will not run for the white House next year
Асосий	Mrs. Palin said in a statement that the decision came

ҚИСМ	<p>after much thought, and that she and her husband, Todd, “devote ourselves to God, family and country”. The 47-year-old’s announcement ends months of uncertainty over her plan. The mother-of-five has signed a number of lucrative televisionsdeads, published two best-selling books and set up u successful fundraising machine</p>
-------------	---

Мухбир сарлавҳада қаҳрамонинг тўлиқ исми ва фамилиясини танламоқда, кириш қисмида эса унинг олдинги сиёсий мавқеи former Alaska Governor фамилияга қўшимча қилинмоқда. Сиёсий арбоблар ҳақида сўз кетганида уларнинг ижтимоий мақоми фамилиясига нисбатан кўпроқ концептуал аҳамиятга эга бўлади.

Хабарнинг асосий қисмида Mrs. Palin, the 47-year-old ва the mother-of-five иборалари субъектни номлаш мақсадида ишлатилганлигини кўрамиз. Ушбу учта иборанинг ҳар бири концептуал майдоннинг алоҳида қисмини таъкидламоқда ва бунинг билан субъектнинг турли хислатлари ёритилмоқда.

Таҳлил қилинган хабар матнида турли шаклдаги метонимик кўчимлар Sarah Palin исмли шахсга ишора қилиш орқали когезия боғламини ҳосил қилмоқда ва хабар мазмунини яхлит ҳолда қабул қилиш шароитини яратмоқда. Бунда манба ва мўлжалдаги объект ҳақидаги тушунчалар фаоллашади ва бу метономиянинг “биргина восита орқали иккита нарсани эслатишнинг самарали усули эканлигидан, яъни бир тушунча ошкора ифодаланиши орқали иккита тушунча фаоллашувидан” дарак беради (Brdar and Brdar-Szabo 2009: 240). Жумладан, the 47-year-old ва the mother-of-five иборалари ягона бир шахсни, яъни Sarah Palinни номлаш учун қўлланмоқда. Лекин улардан бирининг мундарижасида, шунингдек, унинг 47 ёшли аёл эканлиги ҳақидаги тушунча

мавжуд бўлса, иккинчисида эса, унинг бешта фарзанд онаси эканлиги ҳам таъкидланмоқда.

Тадқиқотчиларнинг кузатишича, метонимнинг референтли қўлланиши орқали коммуникатив самарага тежамкорона эришилади ва бу изоҳли тавсифлар самарасига ўхшайди. Қўлланиладиган аниқловчилар сони қанчалик кўп бўлса, референтга ишора имкони шунчалик кенгайди. Масалан буни the tall, man ва the tall strong man wearin a brown hat and carryin an umbrella тузилмалари қиёсида кўришимиз мумкин (Ruiz de Mendoza 2000). М. Ариэлнинг фикрича, ибора объект ҳақида қанчалик батафсил маълумот берса, адресат шунчалик осон ушбу объектнинг концептуал майдони ҳақида билимга эга бўлади (Ariel 1991).

Шунинг билан биргаликда, бирон бир матн воқеа, нарса – ходисалар ҳақидаги барча маълумотларни ўқувчига батамом тўлиқ ҳолда етказмаса керак. Бундан ташқари, ҳаддан ортиқ ахборот бир пайтнинг ўзида етказилаётганида тавсифни қўполлаштиришини унутмаслик лозим. Шу сабаб, ахборот баёнида танлов қоидаларига амал қилиш талаб қилинади. Ҳар қандай ахборот бўлаги мақсадга мувофиқ равишда танланади ва бунда асосий мақсад тингловчини мўлжалдаги маъно сари етаклашдир. Ахборот танлови тамойили метонимик восита танловига олиб келади. Қиёсланг:

A growing number of celebrities are also opposed, including Chris Tarrant and James and Oliver Phelps, who played the Weasley twins in Harry Potter, while the Ramblers Association, the Campaign for the Protection of Rural England, the woodland Trust, the RSPB, and the Wildlife Trusts have expressed reservations (The Observer, September 18, 2019).

Former Penn State football coach Jerry Sun – ducky’s wife, Dottie, told CNN that is angry about accusations of child sexual abuse occurring in her home, calling them absolutely untrue” (CNN, December 9, 2019).

Биринчи матн парчасидаги the ramblers Association, the Campaign for the Protection of Rural England, the Woodland Trust, the RSPB ва Wildlife Trust метономик бирикмалари ушбу ташкилотлар вакиллари ифодалаш учун хизмат қилмоқда. Контекстдан маълум бўлишича, Chris Tarrant ҳамда James and Oliver Phelps номли кишилар машҳур шахслардир. Улардан биринчиси барчага таниш “Ким миллионер бўлишни истайди” телешоунинг эгаси ва шунинг учун кўпчиллик британияликлар хабарни ўқиётди, ушбу номнинг кимга тегишли эканлигини билишга қийналмайди. Жемс ва Оливер Фелрслар эса машҳур актёрлардир ва ўқувчилар улар иштирокидаги саҳналарни яхши эслайдилар. Бошқача айтсак, ушбу актерларнинг номларини билмаганлар учун “Ҳарри Поттердаги эгизаклар” роли мазмунни англашга ишорадир.

Ниҳоят, охириги матндаги Dottie исми унинг эри Пли штати футбол жамоаси тренери Jerry Sandusky эслатилиши орқали қизиқиш уйғотади.


Шундай қилиб, нотаниш номларга мурожаат қилиш орқали метономик кўчим юзага келишининг сабаби концептуал майдоннинг бирон бир алоҳида қисми орқали маълум бир шахснинг узатилаётган ахборот учун муҳимлиги таъкидланади. Берилаётган маълумотнинг ҳажми мўлжалдаги объектни тасаввур қилишни осонлаштиради. Шунингдек, концептуал майдон аъзолари қанчалик кўп эслатилса, ушбу майдон тавсифи шунчалик такомиллашади.

Келтирилган мисолларда инсонга оид концептуал майдон унинг қисмлари орқали тавсифланган. Шахс ёки воқеалар каби объектлар тавсифида яхлит унинг қисмлари орқали фаоллашади. Қиёсланг:

Redgrave was a complex man–bisexual, alcoholic, demon – driven – and his story, which concerns the disappearance of a famous Austrian actor, Joseph Charles, explores in nightmarish

fashion the age-old question of the true identity of actors; Do they, in fact, have one? (WSJ, September 16, 2019).

Парчада Редгрейв (Redgrave) даставвал “a complex man” сифатида баҳоланмоқда, кейинчалик яна учта сифат қаторини кузатамиз: bisexual, alcoholic, demon-driven. Ушбу сифатлар Редгрейвнинг қанчалик мураккаб шахс эканлигидан гувоҳлик беомоқда. Бизнингча, bisexual, alcoholic, demon – driven аниқловчиларининг complex тушунчаси билан ассоциатив алоқада эканлиги яққол намоён бўлмоқда. Умумий категория ва субкатегориялар ўртасидаги муносабатни метономик тасаввур қилиш қийин эмас, чунки бу ерда “яхлит ўринда қисм” метономик кўчими воқеланади. Қуйидаги чизмада ушбу тушунчалар ўзаро муносабати тасвирланади:



2.1-расм. “Яхлит-қисм” муносабатининг тасвири

Чизманинг чап томонидагилар лисоний воситалар ёки матндаги шакллар бўлиб, ўнг томонда ушбу шакллар ифодалайдиган тушунчалар акс эттирилган. Бунда a complex man умумий, яхлит концепт бўлиб, турли субкатегорияларни ташкил қилувчи қисмларга тақсимланади.

Худди шундай муносабатлар қуйидаги мисолда ҳам кузатилади:

The American soldier at the center of Wikileaks revelations was so mentally fragile before the deployment to Iraq that he wet himself, threw chairs around, shouted at his commanding officers and was regularly brought in for psychiatric evaluations, according to an investigative film produced by the Guardian (The Guardian, May 27, 2018).

Мазкур матнда аскарнинг заифлик (mentally fragile) ҳолати унинг ноҳўя ҳатти-ҳаракати воситасида тасвирланмоқда (he wet himself, threw chairs around, shouted at his commanding officers and was regularly brought for psychiatric evaluations). Ҳақиқатдан ҳам жисмонан ва ақлан соғлом киши ўзини хўрлаши, стулларни атрофга улоқтириши, зобитларга бақаришини тасаввур қилиш қийин. Бизнингча, бу ҳатти – ҳаракатлар яхлит ва қисм ўтрасидаги метономик муносабатни намоён қилиш учун танланган.

Қуйидаги матн парчасини таҳлил қилиб кўрамиз:

1. While state executives and government officials are regularly arrested on corruption charges, only a handful have received the death penalty to recent years.

2. Four years ago, the head of China's Food and Drug Administration was executed for corruption and failing to protest.

3. In 2009, the former chairman of Sinopec, the Chinese oil giant, was also sentenced to death with a two – year reprieve for accepting millions of dollars in bribes.

4. And this week, two former five mayors in China were executed for accepting millions of dollars' worth of bribes (NYT, July 22, 2019).

Матндаги биринчи гап айрим лавозимдор шахсларнинг ўлимга ҳукм қилинганлиги ҳақидаги хабар концептуал мазмунини фаоллаштиради. Кейинги 2-4 гапларда ушбу концептуал мазмун маълум ташкилотлар лавозимли ходимларининг коррупцияда айбланиб ўлимга ҳукм қилинганлигини баён қилиш орқали ривожлантирилган. Порахўрлик учун қамоққа олинганлар тўғрисидаги маълумот биринчи гапда маълум қилинган хабарни тўлдириш учун танланган.


Таҳлил қилинаётган матннинг тузилиши метономик характерга эга. Зотан, хабардаги воқеалар ўрни алмаштирилганида шу маънога яқин коммуникатив самара

ўзгармасдан қолади. Бунинг сабаби уччала гапнинг вазифаси “кўпчиллик бошлиқлар ва лавозимдор шахслар коррупция туфайли ҳибсга олинди” умумлашган мазмунини воқелантиришдир. Батафсил изоҳ учун лозим бўлган қисмлар танлови ўқувчини худди яхлит мазмунни англашга ундайди.

Қуйидаги матнда “яхлит – қисм” муносабатининг яна бир бошқа кўринишда намоён бўлишини кузатамиз:

(1). They know the life of a rural physician is not easy. (2) Patients tend to be older, poorer and often uninsured. (3) The job generally pays less, than lucrative specialists. (4). And many rural doctors have so little support that they are essentially on call permanent by (NYT, July 22, 1918).

Бу ерда ҳам биринчи гап умумий концептуал майдон доирасида мазмунга эга хабардор, 2 - 4 гапларда эса алоҳида вазиятлар ва воқелик таъкидланмоқда. Изоҳланаётган учта вазият умумий хабарни тўлдириш вазифасини бажармоқда. Демак, энг муҳим маълумот биринчи бўлиб хабар қилиниб, кам аҳамиятлиси кейинги ўринларни эгалламоқда. Ушбу кетма – кетлик ўзгарса, коммуникатив таъсир кучи ҳам ўзгаради. Ушбу матн тузилишидаги “яхлит - қисм” муносабатининг ўрнини қуйидаги чизмада тасвирлаш мумкин:



2.2-расм. “Яхлит-қисм” муносабатининг матндаги кўриниши

Келтирилган матнда санаб ўтилган гапларнинг ўзаро боғланиши улар ифодалаётган тушунчаларнинг “яхлит - қисм” муносабатига эгаллигига асосланади. Ушбу тушунчалар фаоллашуви замирида биринчи гапда воқеланган концептуал мазмун туради.

Ёзма дискурс таҳлили усуллари ёритган инглиз тилшуноси матн тузилишининг энг муҳим моделини “умумийдан - хусусийга” модели эканлигини қайд қилган эди (Ноеу 2001).

Кейинчалик бу модел иккита ўзаро боғлиқ турга ажратилади: “умумлаштириш – изоҳлаш”, “илк маълумот-деталлаштириш (preview - detail)”. Юқорида таҳлил қилинган матн “умумлаштириш - изоҳлаш” турида тузилган “Илк маълумот – деталлаштириш” қолипининг татбиқини қуйидаги матнда кўриш мумкин:

(1) Boehner’s bill would raise the debt limit in two stages – one that could cover borrowing through the end of year and another to cover 2012. (2) The first increase is paired with \$ 915 billion on spending cuts over 10 years. (3) The second would be contingent on passage of a larger deficit – reductions package crafted by a new congressional committee (NYT, July 28, 2019).

Матндаги биринчи гапда таклиф қилинаётган қонун лойиҳаси қарздорлик лимитини икки баробарга ошириш ҳақидаги тушунчани берса, кейин гапларда ушбу босқичлар батафсил изоҳланмоқда. Бу ерда ифодалар ва тушунчалар ўртасидаги муносабат яхлитдан унинг қисмлари (изоҳлари) сари йўналган. Умуман олганда, кўриб чиқилган муносабатларнинг барчаси яхлит ва қисм ўртасидаги боғлиқликни акс эттиради. Ушбу кўринишдаги муносабат метонимик характерга эга, чунки концептуал майдоннинг ҳар бир қисми умумий мазмун ифодасига ўз ҳиссасини қўшади (Ноеу 2001). Одатда, изоҳ ёки деталлар билан танишаётган ўқувчининг диққати илк гапда ифодаланган пропозицияга

қаратилади. Бошқача айтганда, мавзу ёки топик ифода топадиган яхлит доимо марказда туради.

Метонимик иборалар нарратив структуралар таркибида иштирок этиб, уларнинг макро-контекстдан жой олишига шароит яратади. Ж. Стин метонимларнинг нарратив тузилмаларда уч хил вазифа бажаришни аниқлайди: биринчидан, метоним риторик-услубий восита ролини ўтаса, иккинчидан, ҳикоя қилувчи ва персонажлар нутқида учрайдиган метонимлар лингвистик восита вазифасини бажаради. Ниҳоят, метонимия нарратив тузилмада структур вазифани ижро қилиш хусусиятига эга (Steen 2005).

Нарратив ўз табиатига биноан метонимик характерга эга, зеро у ижтимоий воқеликни намоён қилувчи когнитив-ментал тузилманинг таркибий қисмидир. Албатта, ОАВларида эълон қилинаётган хабарда содир бўлган ёки бўлаётган воқеанинг барча деталларини баён қилишнинг имкони йўқ (бу шарт ҳам эмас). Ал-Шарафи айтганидек, “биз когнитив фаолият натижасида матнда ошқора ифодаланмаган ҳолатларни ҳам идрок эта оламиз” (Al – Sharafi 2004: 105). Аслида, маълум бир қисмдан фойдаланиш орқали яхлит мазмунни ифодалаш лисоний тежамкорлик тамойилининг намунаси. Қиёсланг:

Secretary of State Hillary Clinton arrived in Afghanistan on an unannounced visit Wednesday, just one day after landing in Libya.

Маълумки, “етиб келиш” ва “қўниб ўтиш” (arrived and landing) сайёҳатнинг алоҳида қисмларидир ва бу бирликлар орқали давлат хизматида бўлган шахснинг бирон бир юртдаги ташрифи назарда тутилади. Бошқача айтсак, “етиб келиш” ва “қўниб ўтиш” “маълум мақсад билан ташриф буюриш” яхлит воқеанинг таркибидаги кичик воқеалардир. Ушбу ҳолатда мўлжалланаётган мақсад яхлит ҳодиса эмас, балки унинг алоҳида қисми ифодалашдир. Бу қисм сиёсий фаолият ҳақида бўлиб, унинг ташқи сиёсат билан боғлиқ жиҳати таъкидланмоқда. Демак, “Hillary Clinton arrived in Afghanistan”

ёки “Hillary Clinton landed in Libya” сирасидаги тузилмалар метоним мақомига эга. Чунки Ҳиллари Клинтон – сиёсат арбоби, у АҚШ давлатининг вакили сифатида ташриф буюрмоқда, оддий саёҳатчи эмас.

Яхлит воқеа ва унинг қисмларининг метофорик муносабатга киришувида қисм кенг маънода тушунилиб, жараёнлар, фаолиятлар ва ҳолатларни акс эттиради. Шу йўсинда маълум жиҳатлар тавсифи воқеанинг тўлиқ фреймини тасвирлайди. Бундай фреймда воқеанинг алоҳида ва ёрдамчи қисмлари ёритилади, аммо етакчи қисм диққат марказида туради. Шу аснода келтирилган мисолдаги arrived in ёки landing элементларини воқеани яхлит кўринишда тасаввур қилишга имкон берадиган visited бирлиги билан алмаштириш мумкин.

Иккита алоҳида ҳаракат ёки воқеани тасвирлаётган иккита ёнма-ён турган гапни ўқиётган ўқувчида оралик ҳодисалар ҳақида тушунча пайдо бўлиши мумкинлиги илмий адабиётларда қайд этилган (Chatman 1978). Қиёсланг:

He wheeled his bike from the restaurants tiny two – table-dining area, checked the charge on its lithium – ion battery, good for about four hours and made sure there was a spare one powering up in the cramped basement... Mr. Lin strapped on a red – and gray helmet, zipped his black puffy jacket to the neck and prepared for a long day (NYT, March 2, 2019).

Мисолдаги wheel ва strap унсурлари отдан ясалган феъллар бўлиб, “велосипед ҳайдаш” ва “тасма билан боғлаш” ҳаракатларини ифодалайди; zip сўзи даставвал занжирдан чиқадиган овозни тасвирлаш учун ишлатилган, кейин эса занжир билан боғлашни ифодаламоқда. Ушбу учта ҳаракат феъли парчада кетма – кет содир бўлаётган ҳаракатларни ифодалаш учун ишлатилмасдан, балки ўқувчи онгида воқеликнинг тўлиқ сценарийси ҳақида тасаввур уйғотади. Бунда ўқувчи тасаввурида воқеа фреймининг алоҳида

тугунлари велосипедга ўтириш, педални айлантириш, велосипеддан тушиш, батареяни излаш каби қисмлар билан тўлдирилади.

Кундалик лисоний фаолият жараёнида ягона билим доирасида бирлашадиган тушунчалар ўзаро алоқага киришади. Оқибатда, нарратив тузилмаларда вазиятнинг алоҳида қисмлари кузатилаётган яхлит вазиятнинг ўрнини эгаллаши мумкин. Бунинг натижасида воқелик ҳақида ҳикоя қилувчи шахс алоҳида ҳодисаларнинг хронологик ва сабаб – оқибат муносабатидаги кетма-кетлигида ошкора ифодаламасдан, ундан қолган яхлит ҳақида тасаввур уйғотиш учун фойдаланади. Масалан:

The sun is up, first rays streaming through the canopy, and the two hunters pause to inspect tracks—big, dusty in prints with five toes—on the forest floor. They move on, boots crunching twigs as they climb a ridge (The Guardian, December 2, 2019).

Ушбу матн иккита овчининг айиқ овлаётгани ҳақидаги ҳикоя билан бошланиб, кейин уларнинг ҳатти-ҳаракатлари баён қилинади. “The sun is up, first rays streaming through the canopy” гапи воқеа содир бўлаётган вақт, яъни эрта тонг эканлиги ҳамда обу-ҳаво ҳақида (қуёшли кун) маълумот бермоқда. Мухбир ов қилиш фреймини pause, inspect tracks, move on, crunching twigs феъллари ёрдамида тасвирламоқда.

Шундай қилиб, кечаётган воқеанинг тасвири учун барча бажарилаётган ҳаракатлар, уларнинг деталларини батафсил ёритиш шарт эмас (Steen 2005). Уларнинг бир қисми ўқувчиларнинг идрок қобилиятини ишга солиш ва тагмаъноли ҳолатларни англаб олиш учун қолдирилади. Мухбир эслатаётган воқеалар эса когнитив аҳамиятга молик бўлиб, улар воситасида яхлит ҳодисалар тасаввур қилинади. Эслатилмаган ҳаракат деталларини қайта тиклаш эса ўқувчининг билим даражасига боғлиқ. Матн тузилишига когнитив ёндашув мазмун яхлитлигига эришиш метонимик

тузилишга эга бўлган умумий билим ҳамда хулоса чиқариш тамойилларининг ўзаро алоқаси орқали таъминланади.

2.3. Сабаб–оқибат муносабатидаги метонимларнинг медиаматн таркибидаги вазифалари

Сабаб – бирон бир вазият ёки ҳодисанинг бошқаси ривожини учун шарт–шароит яратилишидир. “Фалсафа” луғатида берилган таърифга асосан “Сабаб оламнинг ҳаракати ва бирон–бир вақт доирасида бўлган ўзгаришдан сўнг иккинчи бошқа бир натижанинг заруран келиб чиқишини таъминловчи асосий ҳодисани англатади” (Фалсафа 2004; 352). Сабабдан келиб чиқадан оқибат эса “ҳодисалар занжирида сабабнинг таъсиридан вужудга келадиган янги ҳодисадир, сабабнинг натижасидир” (Ўша ерда).

Немис матншуносларининг фикрича, воқеа ва вазиятлар инсон онгида замон–сабаб алоқасида тартиблашган ҳолда жамланганлиги боис матн қисмлари сабаб муносабатлари асосида жойлашади (Beaugrande, Dressler 1981; Гальперин 1981). Илк ҳодиса кейингисининг ҳосил бўлиши учун сабаб туғдиради ҳамда айнан кейинги ҳодиса олдингисининг оқибати бўлиб, унинг мақсадини воқелантиради.

Сабаб тушунчаси, файласуф, мантиқшунос ва бошқалар томонидан муҳокама қилиниб келинмоқда. Анъанага биноан, иккита объект замон ва маконда ёнма–ён турса, сабаб–оқибат муносабати юзага келади, деб ҳисобланади. Иккита кетма–кет ҳодисанинг сабаб тамойили асосида боғланиши диалектика қонуниятидир. Айни пайтда, ўзаро боғлиқ ҳодисалар кичикроқ ҳодисалардан иборат занжирларни ҳосил қилиши мумкин. Бундай занжирда бир ҳодиса олдингисининг оқибати бўлиш билан бир қаторда, кейингисига сабаб туғдиради (Fauconnier, Turner 2002). Бу хилдаги кетма – кетлик муносабати улардан бирининг бошқаси учун метономик кўчим асоси бўлиб хизмат қилишига туртки беради.

Метонимия анъанага биноан бир денотатнинг номланишини бошқасига кўчириш сифатида талқин қилиниб келинмоқда. Ҳатто бундай талқиндан чекинган тақдирда ҳам воқеа – ҳодисалар “ўхшашлиги ёки яқинлиги” денотатларнинг макондаги яқинлигидан кенгроқ маънода тушунилади. Чунки метонимия ҳодисасининг таърифийёқ метафорик хусусиятга эга ва бунда турли хилдаги замон, макон, сабаб – оқибат алоқалари, нарса – ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги назарда тутилади. Ўз пайтида В.М. Никитин кўрсатиб ўтганидек, метонимик кўчим воқелиқдаги боғлиқларнинг тафаккурдаги нусхаси бўлган тушунчалар алоқаси натижасида юзага келади (Никитин 1974).

Айрим тадқиқотчилар ўхшашликнинг бундай талқинига таяниб, сабаб оқибат муносабатини яхлит – қисм қолипдаги кўчим доирасига киритадилар. Бошқалари эса, ўхшашлик ёки яқинлик тамойилини метонимия ҳосил бўлишини доимий кўрсаткичи эмаслигини эслатиб ўтадилар ва бу қаторга албатта сабаб тамойилини ҳам киритиш лозимлигини уқтирадилар (Al – Sharifi 2004).

Аммо маълум ҳолатда намоён бўладиган сабабни макондаги яқинлик сифатида талқин қилиш унчалик ўринли эмас, зотан кундалик ҳаёт тажрибасида содир бўладиган баъзи ҳодисалар макондаги тартиботга доимо бўйсунмаслиги кузатилиб туради. Бундан ташқари, ягона бир макондан жой олмаган объектлар ҳам бир – бирига таъсир ўтказиши мумкин.

Маълум бир ҳолат ва олдинги ҳамда кейинги ҳодисалар ўртасида бир хилда каузал алоқа мавжуд бўлиши мумкин. Шунингдек, кечаётган жараён ва унинг мақсади, шарт – шароитлари, унинг натижаси ўртасида турлича метонимик муносабатлар шаклланади. Ушбу метонимик муносабатлар иккита катта гуруҳга тақсимланади: “сабаб оқибат ўрнида” ҳамда “оқибат сабаб ўрнида” қолипдаги метонимик кўчимлар.

Рэдден ва Ковечлар таҳлил қилишган каузал концептуал майдонида референтли сабаб – оқибат қолипидаги метонимлар алоҳида ўрин тутди (Radden, Kovecses 1999). Бу турдаги метонимлар, одатда, аниқловчили (от + от; сифат + от) тузилмаларида фаоллашади. Қиёсланг:

In difficult talks yesterday with the Treasury chief secretary, Danny Alexander, Clark pointed out he had last year won Treasury agreement that if government's so – called rehabilitation did not deliver a lower jail population, then the Treasury would bear the costs from the reserve (The Guardian, June 8, 2019);

With time running short and budget negotiations this week having reached an angry impasse, Congressional leaders are growing increasingly pessimistic about reaching a bipartisan deal that would avert a government shutdown in early April (NYT, March 26, 2018).

Биринчи мисолдаги talks “қисм яхлит ўрнида” моделидаги метоним бўлиб, у “конференция” тушунчасини ифодалаш учун қўлланган. Ушбу ҳолатда иккиламчи метонимик кўчим юзага келган: сўз муҳокаманинг қийинлиги ҳақида эмас, балки фикрлар турли – туманлиги туфайли келишувга эришишнинг қийин кечганлиги ҳақида бермоқда. Демак, difficult talks фикрлар ва хулосаларнинг катта фарқига ишора қилмоқда. Файласуфлар доимо сабаб ва оқибатни бир – биридан ажратиш мушкуллигини таъкидлаб келадилар ва шу боис, воқеликни англашда кишилар сабаб ва оқибатни умумийлаштиришга ҳаракат қиладилар (Fauconnie, Turner, 2002). Бунинг натижаси сабаб ва оқибатнинг доимий равишда бир – бирига кўчиб туришида кўринади.

Кейинги мисолга келадиган бўлсак, бу тузилмада қўлланган impasse (“қийин аҳвол”) элементи “ғазабланолмасликни англатади. Маълумки, ғазабланадиганлар аслида одамлардир ва бунга айнан қийин аҳвол сабаб бўлади. Бу ерда “оқибат сабаб ўрнида” муносабати

воқеланмоқда. Рэддин ва Ковечлар келтирган healthy complexion бирикмасида эса “сабаб оқибат ўрнида” модели фаоллашган, чунки соғлом бўлиш соғлом танага эгалик сабабидир (Radden, Kovacs 1999: 38).

Айнан шу мақомдаги метонимик кўчимни сифатдош бирикмаларида ҳам кузатиш мумкин:

The past may be a foreign country, as L.P. Hartly famously observed, but at least one of its landscapes – the political scene on election eve, a century ago – looks familiar to this time t’raveler (NYT, November 2, 2017).

Машхурлик кузатилаётган ҳаракатга тобе эмас, балки шу ҳаракат воситаси бўлган объектга қарашлидир. Бу ерда оқибатнинг хусусияти сабабга кўчирилган ва “сабаб оқибат ўрнида” қолипидаги метоним ҳосил бўлган.

Қайд этилган ҳолатларда оқибат ва унинг сабаби ўртасидаги метонимик муносабат фаоллашган. Лекин баъзан шунга ўхшаш воқеа бошқача тасвир олиши ҳам мумкин. Қиёсланг:

Mr. Lin strapped on a red – and – gray helmet, zipped his black putty jacket to the neck and prepared for a long day (NYT, March 2, 2018).

Бу ерда a long day бирикмаси “узоқ давом этган иш куни” тушунчасини англатмоқда ва day “кун” тушунчасининг маъноси торайганлиги боис қисм яхлит ўринда қўлланган, деб ҳисоблаш маъқул кўринади. Бошқа томондан, қаттиқ меҳнат шароитида кун чўзилиб кетгандек туюлади ва a long day ибораси бундай хулоса туғилишига сабаб бўлган “оғир меҳнат” тушунчасига ишора қилади.

Бундай аён бўладики, “яхлит-қисм” ҳамда “сабаб-оқибат” муносабатлари ўртасида кескин чегара қўйиш қийин масала, улар баъзан ўзаро чатишиб кетади.

Турли ҳатти – ҳаракатлар сабабли юзага келадиган воқеалар ОАВлар муштарийларининг диққатини жалб қилади.

Зеро, оқибат сабабга нисбатан кўпроқ метонимик кўчим восита вазифасини ўтайди. Қиёсланг:

Business group are hoping for big changes (WSJ, May 7, 2019);

Donors demand a bigger voice in catholic schools (NYT, February 7, 2018);

In a statement, the congressman said legislation's intent is to show that the Clean Air Act was not meant to address climate change, stop the EPA "from imposing a backdoor cap – and – trade tax" on industries identified as polluters, and protect American jobs (WP, February 3, 2018).

Ушбу контекстда big changes иборасининг пайдо бўлиши ўзгаришларга олиб келадиган иқтисодий сиёсатга ишора қилмоқда. Бизнес гуруҳи ҳукумат ҳозирги вазиятни ўзгартириш учун самарадор сиёсий йўлни танлашини хоҳлайди.

Иккинчи парчадаги a bigger voice ибораси ўз фикрини баён қилишга кўпроқ аҳамият бериш кераклигини ифодаламоқда. "Оқибат сабаб ўрнида" моделида ҳосил бўлган ушбу метонимия воситасида мантиқан кўпроқ куч сарфланиши таъсирчан фикр туғилишига сабаб туғдириши ҳақидаги тушунча воқеланади.

Охирги парчадаги protect American jobs метонимик ибораси "Америка ҳалқини иш ўрнини йўқотишдан сақлаш" мазмунини англатади, чунки ишдан ажралиш одамлар учун катта йўқотиш ва бу тушкунликка сабаб бўлади. Бундай оқибатдан сақлаш ҳукумат зиммасида турган вазифадир.

Равшанки, оқибат ва сабабни бир-биридан айри ҳолда идрок этиш қийин ва кишилар воқеликни тўлиқ англаш учун уларни уйғунликда тасаввур қиладилар. Сабабнинг бу хилдаги хусусияти яхлит-қисм ва сабаб-оқибат муносабатларининг чамбарчаслигини таъминлайди, улар ўртасидаги чегара заифлашади.

“Сабаб-оқибат” муносабати доирасида ҳосил бўладиган метонимлар турли предикатив тузилмалар ва нутқий актларда зоҳирланадилар. Инглиз тили тизимида натижа ҳаракатнинг ифодаси учун жалб қилиниши ҳолатлари учрайди. Тадқиқотчилар бу йўсинда намоён бўладиган метонимларни “оқибат сабаб ўрнига” категориясига кирувчи иборалар сифатида ажратиб, уларни “натижа ҳаракат ўрнида муносабатидаги метонимик кўчим хусусиятига эга эканлигини қайд қилишган” (Panther, Thornburg 2000). Натижавий ҳолат ҳаракат билан метонимик алоқада бўлишида тузилмаларда семантик аномалия (ножўялик) кузатилмайди (Ruiz de Mendoza, Hernandez 2001).

Қуйидаги ҳолатларни қиёслаймиз:

The company has cleared the biggest hurdle: building a safe flying, driving and converting vehicle (WP, October 16, 2019);

In the economic downturn three year ago, Adam Diaz idled the trucks at his bluestone quarry and silenced the saws at his lumber mill (WP, March 12, 2018);

The United States and other world powers are increasingly distancing themselves from Assad, while a growing number of think tanks and experts are becoming convinced that and experts are becoming convinced that his regime will not survive (WP, July 29, 2017);

The military is dramatically upping its investment in drones over the next nine years, according to Pentagon plans (CNN, June 10, 2018).

Биринчи гапда clear ўтимли феъли ҳаракат билан боғлиқ воқеани ифодаламоқда. Ушбу концептуал тузилмада агент, пациент, восита ва натижа кабилар иштирок этади ҳамда clear натижавий ҳолатга ишора қилади.

Иккинчи гапда “бекор юриш” (idle) натижавий ҳолати бекор қолишга йўналтирилган ҳаракат оқибати сифатида идрок этилади, чунки Adam Diaz компанияси маҳсулот ишлаб

чиқаришни тўхтатганлиги сабабли автомобиллар бекор қолган. Шунингдек, *silence* сукунат ҳолатида бўлишни ифодаловчи отдир, лекин бу контекстда у феъл вазифасини бажариб, субъектнинг ҳаракати натижасида арралар жим қолганлигига ишора қилмоқда. Бу эса арралар ишлатилмаётганидан дарак беради. Ҳар иккала феълнинг қўлланишида ҳам натижа бу ҳолатларга сабаб туғдирган ҳаракатни ифодаламоқда. Аниқроқ айтадиган бўлсак, ошкора ифодаланган оқибат тағмаънода яширинган сабабни воқелантирувчи лисоний воситага айланмоқда.

Учинчи мисолдаги *distance* оти ҳам феъл вазифасида қўлланиб, Асаддан йироқлашиш ҳаракати бажарилганлигини англатади. Шу парчадаги ир элементи юқори даража ёки мавқеда бўлишга ишора қилади ва ушбу контекстда армия дронлар билан қуролланиш мақсадида қабътийлиги ҳамда бунга катта ҳаражат сарфлашга тайёрлигидан хабар беради.

Диссертациянинг олдинги саҳифаларида ҳаракат субъекти, воситаси, усули яхлит ҳаракат воқелигини ифодалаш учун фойдаланиладиган метонимик кўчим асосини ташкил қилишини қайд этган эдик. Бунда ҳаракат концептуал майдонининг алоҳида бир қисми сифатида яхлит ҳаракатни ифодалайди. Худди шунингдек, ҳозиргина келтирилган матн парчаларида *to clear, to up, to distance, to silence* феълларининг ясалиши асосида сабаб – оқибат метонимик кўчим жараёни туради. Бу турдаги метонимларда натижавий ҳолат ёки оқибат ҳаракатни ифодалайди. Шу йўсинда, от, сифат ёки равишларнинг феъл вазифасида қўлланиши таъминланади. Ҳаракатлар, одатда, маълум мақсадда ёки мўлжалдаги натижага эришиш учун бажарилади. Натижага қараб субъект мақсадли ҳаракат бажарганини тушуниш мумкин. Лекин ҳаракатнинг натижасида юзага келадиган ҳолат бир хил бўлавермайди. Қиёсланг:

The air strike flattened home of the Dalou family in the Sheikh Radwan district of Gaza City, causing the biggest death toll in a single incident since the offensive began last Wednesday (The Guardian, November 19, 2019).

Ҳаракатни ифодаламайдиган предикатлар ва тузилмаларни ўрганган тилшуносларнинг қайдича, прототип ҳаракат тузилмалари қаторидан ўрин олаётган бу турдаги тузилмалар матн таркибида грамматик ҳаракат кўрсаткичларни “натижа ҳаракат ўрнида” қолипдаги метонимлардан ўзлаштиришини кўрсатиб ўтадилар (Panther, Thornburg 2000). Масалан:

Lucian Cook of Savills, Mayfair, agreed. “I think the big question is: does it have an effect on the sentiments of overseas buyers in the central London market?” he said. “Frankly that remains to be seen. But.... You’ve got to be careful with the central London market because it tends to lead the wider UK housing market recovery”. (The Guardian, March 21, 2019).

Мазкур парчада *be careful* ибораси ҳаракатни ифодаламайдиган предикат бўлиб, у яширин предикат “to do something with care so as to become careful” предикати мазмунида қўлланмоқда. Сифат иштирокидаги ушбу предикат бажараётган вазифаси метонимик кўчим маҳсулидир. Бу ерда олдин ошқора эслатилмаган прототип ҳаракат асосий ролни ўтайди. Феълли иборага айланган *be careful* бирлиги аслида ҳолатни ифодалайди, лекин мўлжалдаги мазмун тингловчи эҳтиёт бўлиши керак бўлган ҳаракат бу хилдаги мазмун “натижа– ҳаракат ўрнида” моделидаги метонимлар учун хосдир.

Шу ўринда айтиш жоизки, феъл метонимияси тилшуносликда кам ўрганилган соҳалардандир (Агеева 1988: 153-169). Маълумки, феъл, отлардан фарқли равишда, предмет–нарсани атамасдан, балки хусусиятни ифодалайди ҳамда ушбу хусусият луғавий ва грамматик маънода акс

топади. Феълнинг метонимик кўчим жараёнидаги иштироки худди шунинг билан изоҳланади. Феълнинг луғат маъноси изоҳидаги “ҳаракат” тушунчаси шартлидир. Аслида, феъллар ҳаракат, жараён, ҳолат, муносабат каби маъно оттенкаларини ифодалаш қудратига эга. Ҳаракат ва жараён-динамик характердаги хусусият бўлиб, бирон-бир муносабат қатнашчиларининг макон, замондаги ўзгаришларига олиб келади. Феъл ўз грамматик категориясига биноан турли фавқулдда хусусиятларни ифодалашга мослашган, сифат эса турғун, доимий хусусиятларни ифодалайди (Уфимцева 1986). Феълларнинг мазкур функционал-семантик белгилари ва алоҳида феъл гуруҳларига хос кўрсаткичлар метонимик кўчимлар таҳлилида инобатга олиниш зарур. Масалан, сабаб-оқибат муносабати доирасида намоён бўладиган метонимик кўчимларни олайлик:

We can't say for sure when the first body went into the ground at the Thompson family cemetery. Its night has been a veteran of the War of 1812 named Ethan Allen (not that Ethan Allen) (WP, March 13, 2018).

Hugo Chavez's opponents see an opportunity (WP, July 29, 2018).

Юқоридаги парчалардан бирида can't say for sure ибораси “аниқ билмайман” (don't know for sure) мазмунидаги ҳаракат натижасига ишорадир. Кейинги мисолда эслатилаётган “имконият” (opportunity) мавҳумдир, чунки ҳеч ким имкониятни “кўра олмайди” (see). Бу ерда see элементи “идрок этиш” мазмунида қўлланмоқда, зеро кўриш идрокнинг муҳим босқичидир.

Эмоция ва маълум руҳий жавоб ўртасидаги сабаб-оқибат муносабати ҳис-ҳаяжон концептуал майдонига киради.

Қиёсланг:

On the to work recently I was nearly brought to tears by the sight of the front garden of a large Victorian house ruined by a

slathering of rough asphalt, devoid of life, where once there had been an overgrown but beautiful front garden (The Guardian, June 8, 2019).

Earlier on Thursday, Mr. Hchiro had raised eyebrows by calling the evacuated communities around the plants “dead towns”, a statement seen as insensitive to approximately 80.000 people who had been driven from their homes by the nuclear accident (NYT, September 11, 2017).

Кўз ёши одатда тушкунлик рамзи (баъзан хурсандлик ҳам кўз ёшига сабаб бўлади). Кўз ёши тўкиш тушкунликни ифодадаш учун хизмат қилади, яъни тушкунлик бу ерда сабабдир.

Худди шунингдек, одамлар ҳайрон қолишса ёки ғазабланганларида қош чимирадилар.

Ҳаракат бажариши қобилияти, имконият, рухсат, мажбурият билан боғлиқ ҳаракатлар метонимик кўчим орқали унинг ҳақиқий ижросига тенглаштирилади (Panther, Thornburg 1999). Қиёсланг:

In the last several days, the airline did not fly to or from Kolkata, the large eastern city formerly known as Calcutta. The airline’s chief executive, Sanjay Aggarwal, said Kingfisher had to cancel flights to India’s northeastern states because it did not have enough pilots (NYT, February 21, 2018).

The fact that militants were able to pull off such a wave of violence is especially disturbing considering that US forces are scheduled to leave Iraq at the end of that year, leaving the country’s security in the hands of still struggling Iraq security forces (WP, August, 2017).

Келтирилган матн парчаларидан биринчисида референт бирлиги Kingfisher ва предикатив ибора had to cancel flights to India’s north eastern states метономик кўчим орқали пропозиция метонимини ҳосил қилган (panther, Thornburg 1998). Бу ерда Kingfisher унсури Кингфишер авиакомпанияси

ходимларига нисбатан қўлланмоқда ва метонимни ҳосил қилувчи “ҳаракатга мажбурият ҳақиқий ҳаракат ўрнида” қолипи фаоллашган.

Кейинги мисолда эса “ҳаракатга қобилият ҳаракат ўрнида” қолипи фаоллашганини кузатамиз. Бу ерда “to pull off such a wave of violence” қобилияти ҳақиқий ҳаракат ўрнини босмоқда. Ҳар иккала ҳолатда ҳам сабаб-оқибат муносабати метонимик кўчимга туртки бермоқда, зеро мажбурият ва қобилият ҳаракатнинг бажарилишига сабаб туғдиради. Ушбу сабаб тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмаса-да, лекин ҳаракат бажарилишига имкон яратади.

Шундай қилиб, “яхлит-қисм” ва “сабаб-оқибат” муносабатидаги метонимларнинг референтли ва референтсиз қўлланишида маълум фарқлар мавжуд. Метоним тилдан кундалик фойдаланиш жараёнида етакчилик қилиши ва тафаккур фаолиятини измга солиши боис, турли моделдаги метонимлар ўзаро уйғунликда фаоллашади. Жумладан, сабаб – оқибат муносабати кўпинча яхлит – қисм муносабати билан чатишиб кетади. Масалан:

US credit card films want to get more plastic into world wallets (WP, July 30, 2019);

The country has also poured money into biomass plants and solar installations – millions of panels now sit on German roofs and fields (NYT, August 29, 2018).

Биринчи мисолда метонимларнинг референтли қўлланишининг иккита ҳолатини учратамиз: plastic бирлигининг референти credit card бўлиб, ушбу метонимик кўчим “материал маҳсулот ўрнида” қолипида юзага келган; иккинчи ҳолатда world wallets бирикмасининг референти “мижозлар” (clients) тушунчаси бўлиб, сотиб олинган нарса учун пул тўлаётганда ҳамёнини кавлаштиришини ёқтирадиган мижозларга ишора қилмоқда. Бундан ташқари, ушбу контекстда предикатив хусусиятли метоним ҳам

фаоллашган. Бу ерда want to get more plastic into world wallets предикатив тузилмаси “кўпроқ одамларни кредит картасидан фойдаланишга жалб қилиш” мазмунидаги тузилма ўрнида қўлланган.

Кейинги мисолда ҳам метонимларнинг референтли ва референтсиз қўлланиши кузатилади. Аввало, panels бирлиги “solar installations” тушунчасини атамоқда ва “яхлит ўрнида қисм” қолипи фаоллашмоқда. Сўнг эса, panels now sit on German roofs and fields тузилмаси воситасида қуёш энергиясини жамловчи ускуналар миллионлаб немис фуқораларининг уйларида ва корхоналарда ўрнатилганлигини англатмоқда. Ушбу ҳолатда метонимик кўчим “натижа ўрнида шарт - шароит” қолипига асосланган.

Қуйидаги матн парчаларида яхлит – қисм ва сабаб – оқибат муносабатига асосланган метонимик кўчимлар мавжудлигини кузатамиз:

Israel U.N. Asked to Prevent Activists from Sailing to Gaza Next Mouth (NYT, April 2, 2018);

A senior state Department official who will be in Beijing with Mrs. Clinton said the main goal of the trip was to calm what has been an inflamed summer across the region. “It is absolutely essential cooler heads prevail in every capital”, the official said (NYT, September 3, 2017). Биринчи гапдаги prevent activists from sailing to Gaza тузилмаси когнитив жиҳатдан мураккаб бўлган метонимик кўчимларнинг яна бир намунаси.

Биринчидан, sail бирлиги “қисм яхлит ўринда” қолипи доирасида ҳосил бўлган метонимдир. Ушбу ҳолатда кеманинг қисми (sail) яхлит (ship) ўрнида қўлланмоқда. Иккинчидан эса, “восита ҳаракат ўрнида” модели фаоллашуви натижасида ship (кема) кемада ташиш ҳаракатини ифодаламоқда. Шунингдек, sailing to Gaza ибораси ҳам метоним хусусиятига эга. Бунда Газа ҳудудига бориш фаолларнинг ташвишли фаоллигига шароит туғдириши мумкин ва БТМдан айнан шу фаолликнинг олдини

олиш сўралмоқда. Кўринадики, метонимик кўчим сабаб – оқибат тамойилига асосланмоқда.

Кейинги матн парчаси медиа дискурсга хос бўлган “ким” “нима” ҳақида гапирганлигини маълум қилувчи хабарни етказиш услуби намунасидир. Матндаги эргашган аниқловчи гапи (who will be in Beijing with Mrs. Clinton) мухбир томонидан узатилаётган ахборотнинг манбаси аниқлигини таъкидлаш учун қўлланган. Ушбу парчадаги be in Beijing with Mrs. Clinton ибораси “шароит ҳаракат ўрнида” қолипида воқеланган метоним хусусиятига эга. Бу ерда Клинтон хонимга ҳамроҳлик қилаётган шахс Хитойга расмий ташриф буюрганлиги маълум қилинмоқда. Кейинги тузилма to calm what has been inflamed summer эса “оқибат сабаб ўрнида” қолипнинг икки йўналишдаги метонимик кўчим доирасида фаоллашувидан дарак беради. Аввало, to calm (совутиш, юмшатиш) бирлиги натижавий ҳолатнинг мамлакатлар ўртасида юзага келган мураккаб дипломатик муносабатларни юмшатишга қаратилган ҳаракатни ифодалаш намунасидир. Шунинг билан биргаликда, an inflamed summer ибораси “ташвишли ёз муҳити” тушунчасини атамоқда, яъни ташвишли муҳит ёзнинг аланга олишига сабаб туғдирган.

Худди шунингдек, cooler heads prevail in every capital тузилмасида “қисм яхлит ўрнида” қолипидаги метонимик кўчим икки марта фаоллашган. Улардан бирида cooler heads бирикмаси қўлланишида тўғри фикр юритишга қобилиятли шахслар назарда тутилмоқда. Иккинчисида эса мазкур тузилма ҳукуматни тўғри қарор қабул қилишга ундовчи шахсларни ифодаламоқда.

Хуллас, ташқи оламда кечаётган воқеа-ҳодисалар моҳиятини тушунишга интилиш кишиларни сабаб ва оқибатни яхлитлаштиришга ундайди. Худди шунингдек, сабаб ва оқибатнинг ўзаро яқинлиги тафаккур жараёнида уларнинг бири ўрнига иккинчиси кўчишини таъминлайди. Бунинг

натижасида, яхлит–қисм ва сабаб–оқибат муносабатлари бир хилда метонимик кўчимлар учун шароит яратади. Шу боис, медиахабарлар матнида оқибат кўпроқ метонимик кўчим воситаси ролини ўтайди.

2.4. “Сабаб–оқибат” метонимларининг матн тузилишидаги ўрни

Тадқиқотчиларнинг кузатишича, матнда тасвирланадиган воқеаларнинг сабаб орқали муносабатга киришуви *because, therefore, consequently* каби коннективлар ёрдамида амалга оширилади (Bybee, Pickering 1998; Zwaan, Radvansky 1998). Эслатилган бирликлар бирон ҳодисанинг маълум бир натижа ёки ҳолатга олиб келишини кўрсатади. Шунинг билан биргаликда сабаб–оқибат муносабатини ифодалашда коннективнинг иштироки доимий талаб эмаслигини ҳам унутмаслик лозим. Гаплар, нутқий тузилмалар ўртасидаги сабаб муносабати бошқа боғловчилар воситасида ёки боғловчисиз ҳам шаклланиши мумкин.

Ҳарҳолда, сабаб муносабатини юзага келтирувчи лисоний восита асосан уюштирувчи ва тобелаштирувчи *because, so, for* каби боғловчилардир. Коннекторлар деб аталадиган сўзлар гуруҳи учун кўрсатилган вазифа ягона ҳисобланади ва улар алоҳида грамматик категорияга тобедирлар (Плоткин 1989: 166; Блох 1986: 74). Бу вазифани, боғловчилардан ташқари, *consequently, therefore* каби равишлар ҳам бажаради. Баъзан *due to, as a result of* каби мураккаб таркибли предлоглар сабабга ишора қилувчи боғловчи характерига эга бўладилар. Боғловчилар лисоний тузилмалар ўртасидаги у ёки бу ассоциатив боғланишни таъминлаш ҳақида ахборот бериши лингвистик адабиётларда қайд қилинган (Иванова и др. 1981).

Улар маълум тушунчаларни фаоллаштириш ва мазмунни ўқувчига етказиш учун хизмат қиладилар. Боғловчилар шу

йўсинда матнда ифодаланган ахборотни қабул қилишга имкон яратади.

Масалан:

Islamabad is angry at Kabul because the NATO aircraft that carried out the strikes that killed its soldiers were based in Afghanistan (WP, November 30, 2017).

Reestablishing a workable relationship between Pakistan, Afghanistan and US is important because Islamabad is critical to the process of peace negotiations with the Taliban. Pakistan has historical with the group and is seen as the actor with the greatest leverage to push Taliban to negotiating table (WP, November, 30, 2017).

Келтирилган парчалардан биринчиси “оқибат – сабаб” моделидаги тизимга эга бўлиб, унда because коннектори ҳолатни сабаб билан боғламоқда. Шунингдек, Islamabad is angry at Kabul предикатив ибораси воқеа натижаси бўлган the NATO aircraft that carried out the strikes that killed its soldiers were based in Afganistan тузилмаси, яъни оқибатни сабаб ўрнида қабул қилишга восита бўлмоқда. Ушбу матннинг когерентлиги хабарни ўқувчиларнинг олам ҳақидаги билими билан мустаҳкамланишида намоён бўлади. Зеро, Афғонистон пойтахти Қобул бу ерда ҳукуматни аташ учун қўлланган.

Иккинчи матнда because коннектори иккита ҳолатни ўзаро боғлаш учун хизмат қилмоқда. Ушбу ҳолатлардан дастлабкиси оқибат ролини ўтаса, кейингиси сабаб вазифасини бажаради. Музокара жараёнида Покистонда аҳвол жиддий бўлган бир пайтда Покистон, Афғонистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатларни фойдали йўналишга солиш муҳимдир.

Сабаб коннекторлари, лисоний восита сифатида, сабаб натижасида юзага келадиган воқеликдаги фактларни ифодалаш манбасига айланадилар.

Боғловчилар кўпвазифали лисоний бирликлар қаторига киради ва шу боис мазмундаги чалкашликларни юзага келтириши мумкин. Масалан, ягона бир боғловчи турли муносабатларни шакллантириши ёки алоҳида бир муносабат турли боғловчилар воситасида ифодаланиши кўп марта кузатилган.

Инглиз тили грамматикасига оид асарларда кўрсатилишича, after коннектори сабабни яширин ифодаловчи воситага айланади (Quirk et. Al. 1985).

Масалан:

Rescue teams searched Saturday for thousands of missing people along hundreds of miles of miles of Japan's northeastern coast a day after a powerful earthquake and massive tsunami wipered entire towns off the map (WP, March 12, 2018).

12 American resued by helicopter after bad weather stranded them on Senegalese land (NYT, August 29, 2019).

Ушбу контекстларнинг бирида after воситасида боғланаётган powerful earthquake and massive tsunami эргаш гапи қутқариш гуруҳларининг йўқолган одамларни излашга киришиш сабабини изоҳламоқда. Кейинги матнда ҳам 12 кишининг Сенегал оролида йўқолиши уларни вертолет ёрдамида қутқарилишига сабаб бўлганлиги хабар қилинмоқда.

Маълум вақт оралиғида ҳодисаларнинг бирин-кетин содир бўлиши улар ўртасида сабаб-оқибат боғланишини юзага келтиради ва кетма-кетликка ишора қилувчи коннекторлар сабабни изоҳлаш вазифасини бажаради. Сабаб тамойилига биноан олдинроқ содир бўлган ҳаракат ёки ҳолат одатда кейингиси учун сабаб ҳозирлайди. Бошқача айтсак, олдинги воқеа сабаб сифатида талқин қилинса, кейингиси эса оқибатдир. Буни, масалан, after, in the wake of предлоглари воситасида фаоллашадиган ибораларда кузатамиз:

Tillman died last Sunday after a random attack at a house party (WP, November 13, 2019);

In the wake of Osama bin Laden is killing, a significant tax story did not get much notice (WP, May 5, 2017).

Биринчи гапда after воситасида киритилаётган тузилма пропозиция асосида турган воқеанинг вақти ва сабабига ишора қилмоқда. Ушбу темпорал тузилма Тиллманнинг уйдаги маросим пайтида тўсатдан қилинган ҳужум натижасида ҳалок бўлганлигидан хабар беради. Шунинг учун гапни “a random attack at a house party caused Tillman’s death” кўринишида ўзгартириш мумкин.

Худди шу каби, in the wake of бирлиги ҳам солиқнинг кўтарилиши вақтини ҳамда ушбу вазиятни юзага келиш сабабини англатади. Яъни нима учун аҳолининг диққатини жалб қилиши керак бўлган солиқнинг кўтарилиши эътиборсиз қолгани изоҳланади. Осама бин Ладеннинг қанчалик муҳим эканлиги газета муштарийларига аён воқеадир.

Сабабнинг оқибатга олиб келиши табиат қонунларидан биридир ва шу боис сабаб–оқибат муносабати медиаматн тузилишида муҳим ўринни эгаллайди. Сабаб ва оқибатнинг уйғунлиги коннекторларга бир вақтда содир бўладиган воқеларни ўзаро боғлаш имконини беради.

Масалан:

A group that calls itself the Chaos Computer Club prompted a public outcry here recently when it discovered that German state investigators were using spying software capable of turning a computer’s webcam and microphone into a sophisticated surveillance device (NYT, October 16, 2019).

Мазкур матнда when бирлиги воситасида киритилаётган гап марказий воқеанинг содир бўлиш вақти ва сабабини кўрсатмоқда. Бундан биз Chaos Computer Club гуруҳининг нега шовқин солганининг сабабини аниқлаймиз. Сабаб ва оқибат ўртасидаги замон умумийлиги содир бўлаётган воқеалар кетма–кетлигини воқелантиради. Метонимия бир объектнинг бошқаси ўрнида туришини акс эттирувчи концептуал амалдир,

лекин бу амал жараёнида иккала объект ҳам фаоллашуви шарт. Юқоридаги мисолда иккита тушунча фаоллашган, улардан бирида воқеа замони ошкора ифодаланса, иккинчисида сабаб when боғловчиси воситасида киритилаётган тузилма орқали ифодаланган.

Сабаб атрибутив бирикмалар воситасида ҳам воқеланиши мумкин:

Family critics staff at hospital where patient was left to die in a corridor (The Guardian, June 8, 2019);

Army officer who sparked controversy with remarks on Islam pulls out of Wets Point address (WP, January 31, 2018).

Биринчи парчада аниқловчи эргаш гап хабарда маълум қилинаётган воқеа иштирокчилари ва объектларни маконга жойлаштиришга кўмак беради. Бунда сабаб воқеа ўрнида қўлланилади ва бу “бир нарса мавқеида иккита нарсани эслатиш” (Brdar 2007: 17) ҳаракатининг яна бир намунаси. Бу ерда, бир томондан, касал корридорда ўлган шифохона борлиги маълум қилинса, иккинчи томондан, касални корридорда қолдирган шифохона ходимлари айбланмоқда.

Навбатдаги мисолда who sparked controversy with remarks on Islam аниқловчи эргаш гапининг денотати ўзига хос, у бажарилган ҳаракат сабабини кўрсатмоқда. Яъни зобит Исломга нисбатан мунозарали фикр билдиргани учун Вест Пойнт ҳудудидан четлаштирилган.

Қуйидаги матн парчасида аниқловчи эргаш гап бошқача метонимик кўчимга мослашганини кузатамиз:

Those details were under vigorous discussion last week at College Park, said Jessica Sunshine, a U-Md. astronomy professor who is deputy principal investigator for the comet mission (WP, November 15, 2018).

Мазкур контекстда комета ҳаракатини ўрганувчи гуруҳ раҳбари ўринбосари бўлиш билан муҳокаманинг мунозарали кечиши ўртасида ҳеч қандай сабаб–оқибат боғланиши йўқ.


Аниқлов эргаш гап эслатилган шахснинг ахборот манбаси эканлигини таъкидламоқда, холос.

Кўринадики, who, where каби олмошлар ва when, after каби равишлар матн таркибига турли ҳарактердаги аниқловчи эргаш гапларни киритаётиб, сабаб-оқибат муносабатини воқелантириш вазифасини бажарадилар. Бу гуруҳдаги коннекторлар метонимик кўчим орқали эксплицит ва имплицит ифодаланадиган сабаб муносабатини фаоллаштириши мумкин.

Боғловчилар матн мазмунини тушунишни осонлаштирувчи воситадир, бироқ турли нутқий тузилмаларнинг ўзаро сабаб муносабатига киришувида уларнинг иштироки мажбурий эмас. Гапларнинг боғловчиларсиз синтактик алоқага киришуви ҳолатида ҳам сабаб тамойили ўз қийматини йўқотмайди (Гурочкина 1974: 36-41). Қиёсланг:

In December, a federal appellate court turned down a request from utilities, oil refiners and the state of Texas to delay the regulation for greenhouse gas emission by the EPA. The companies said that EPA regulations would be too costly (WP, February 3, 2019).

Бу матнда биринчи гап апелляция суди илтимосни инкор қилгани ҳақидаги мазмунга ифода қилмоқда. Тузилманинг бош бўлаги отлашган ҳаракат феъли (request) бўлиб, у агенс ва пациенс бўлаклари билан боғланган. Ушбу бирикма иссиқхоналарни газ таъминотини назоратга олиш ҳақидаги илтимос билдирилганини англатмоқда. Матндаги иккинчи гап эса “иссиқхоналарнинг газ таъминоти назоратга олинганлиги ва бу қимматга тушиши” ҳақидаги мазмунга эга. Тасвирланаётган иккита воқеа сабаб-оқибат муносабати асосида боғланган. Улардан биринчиси оқибатга ишора қилса, иккинчисида эса сабабни кўрсатмоқда. Ушбу муносабатни қуйидаги чизмада тасвирлаш мумкин:



2.3-расм. “Сабаб-оқибат” муносабати тасвири

Чизмадаги йўғон стрелка сабабнинг оқибатга йўналган муносабатини тасвирласа, узук чизиқлиси эса лисоний воситадан мўлжалдаги кўчимни изоҳлайди. Ушбу чизма иккита гапнинг яхлит тузилма-матнга бирлашиши сабаб – оқибат тамойилига асосланганлигидан дарак беради. Биринчи гапда фаоллашган тушунча оқибат вазифасини бажарса, иккинчиси фаоллашган сабаб вазифасини бажаради. Матн тузилишининг когерентлиги метонимик кўчим воситасида таъминланган.

Шу усулда тузилган матнлардан бошқа парчаларни ҳам таҳлил қилиб, кўрамиз:

The NASA Deep Impact spacecraft carried a Maryland science mission to within 435 miles of the comet Hartley and began sending details of what it found. Those details were under vigorous discussion last week at College Park, said Jessica Sunshine, a U – Md. astronomer professor who is deputy principal investigator for the comet mission (WP, November 15, 2018);

Pentagon officials, who have been scouring the sergeant’s military and health records for clues, have said little about what they think motivated the killings. But one senior government official said Thursday that Sergeant Bales had been drinking alcohol before

the killing and that he might have had martial problems (NYT, march 16, 2019).

Дастлабки матнда sending details of what it found ҳаракати ушбу ҳодисанинг қизғин муҳокамасига (those details mere under vigorous discussion) шароит ва сабаб туғдирган. Ушбу ҳаракатлар ўртасидаги муносабат сабаб тамойилининг бир намунаси.

Навбатдаги матнда қўлланган martial problems бирикмаси “ҳарбий муаммо” тушкунликка олиб келиши ва ароқхўрликка ундашини кўрсатмоқда. Оқибатда, бу ҳолат ёвузликка сабаб туғдиради.

Бунда ҳарбий муаммо сабаб туғдириши қайд этилаётган бўлса-да, бироқ ушбу сабабнинг албатта ёмон оқибатга олиб келиши шарт эмаслигини унутмаслик керак. Ҳарҳолда, ушбу ҳолатда сабаб – оқибат муносабати матн яхлитлигини таъминлаётганини кузатамиз.

Оламда сабаб оқибатга олиб келиши кузатилади, лекин узлуксизликнинг лисоний воқеланиши шароитида сабабни ифодаловчи тузилма оқибат ифодасидан олдин туриши шарт эмас. Сабабга ишора қилувчи гап олдинги ва кейинги ўринни бир хилда эгаллай олади. Қайси қисмининг олд ўринда туриши воқеанинг кечишига ёки мухбир нимани таъкидлашни режалаштиришига боғлиқ. Жумладан, қуйидаги парчаларда сабаб оқибатдан олдин эслатилмоқда:

In the second blast, a farm tractor struck a mine in Gamser district, killing one civilian and wounding four others who were riding the vehicle, Sherzai said (WP, July 2019).

Several Republicans say they will oppose the there – week spending bill House GOP leaders are offering Tuesday to avert a government shutdown, raising the pressure on both parties to reach a long – term spending deal (WSJ, March 13, 2011).

Биринчи матнда бир неча бўлақлардан иборат воқеа тасвирланмоқда: тракторнинг конга урилиши бир кишининг

ўлими ва тўрт кишининг жароҳат олишига сабаб бўлгани айтилмоқда. Шу каби ҳолат кейинги матн парчасида ҳам кузатилади. Бу ерда бош гап бир нечта республикачилар қонун лойиҳасига қарши овоз беришлари ҳақида ахборот берилса, сифатдош конструкциясида эса бундан кутилаётган оқибат эсалтилмоқда.

Ҳар иккала келтирилган матн парчаларида сифатдошли тузилмаларда баён қилинаётган воқеалар бош гапларда баён қилинаётган воқеларга сабаб уйғотаётгани кўриниб турибди. Бошқача айтадиган бўлсак, сифатдошли тузилмаларнинг мазмуни фарқ қилса-да, лекин бажараётган вазифалари бир хил (Radden, Kovescses 1999).

Медиамаатнларда оқибат кўпинча сабабдан олдин эслатилиш услуб талабига айланган (Попов, Трегубович 1984: 146). Зотан, мухбирлар аввал қандай ҳодиса рўй берганини маълум қилиб, кейин унинг сабаби ҳақида маълумот беришга одатланганлар. Муштарийлар учун ҳам содир бўлган воқеа тафсилотини билиш муҳимроқ кўринади. Шу боис, ижтимоий-сиёсий ҳаётда кечаётган воқеалар ҳақидаги дастлабки маълумот уларнинг оқибатидан олдинроқ эслатилади. Айни пайтда, ўқувчиларни баъзан воқеанинг давоми, унинг натижаси қизиқтирмасдан қолмайди:

